

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛТЕТИ

**Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув
кафедраси**

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н » факултет декани _____ доцент. Х.Х.КАМОЛОВ « ____ » _____ 2015 йил		« Химояга рухсат этаман » кафедра мудири _____ доцент. О. ШЕРМАТОВ. « ____ » _____ 2015 йил
--	--	--

Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш таълим йўналишининг
битирувчиси

ЮЛДАШЕВА МОХИНУР РАЗИКЖАНОВНА

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: *Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигидаги тайёрланган бугдой сифатини оширишни иқтисодий самарадорликка таъсири.*

БМИ раҳбари _____ кат. ўқт Усмонов М.
Бажарувчи: _____ Юлдашева М.

Андижон - 2015 йил

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг мудири
Доц. О.Шерматов _____
« ____ » _____ 2014 й.

**Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш таълим йўналишининг битирувчиси
Юлдашева Мохинур Разикжановнани битирув малакавий ишини бажариш учун**

ТОПШИРИҚ

- 1.Битирув малакавий ишининг мавзуси:** институт ректорининг 10 сентябр 2014 йилдаги № 275-СТ сонли буйруғи билан тасдиқланган.
- 2. БМИнинг мавзуси:** Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигидаги тайёрланаётган буғдой сифатини оширишни иқтисодий самарадорликка таъсири.
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** «5» май 2015 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** БМИ кириши, уч бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** Ўзбекистон Республикасининг қишлоқда иқтисодий ислохотларни ўтказишга оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мавзуга оид адабиётлар, ҳамда Андижон туманидаги “Нодир Миришкор” фермер хўжалигини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, 2012-2014 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 10 та жадвалларни тузлиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 4 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари	БМИни раҳбари	Бажариш муддати	Имзо
<i>Кириш</i>	<i>Кат.ўқт. М.Усмонов</i>	<i>29.11.2014й</i>	
1 боб. Иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификациялаштириш шароитида тайёрланаётган бугдой сифатини оширишни илмий-услубий асослари:			
<i>1.1 Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида тайёрланган бугдой сифатини ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.</i>	<i>Кат.ўқт. М.Усмонов</i>	<i>27.12.2014й</i>	
<i>1.2 Иқтисодиётни диверсификациялаштириш шароитида фермер хўжаликларида тайёрланаётган бугдой сифатини оширишни илмий ва услубий асослари.</i>	<i>Кат.ўқт. М.Усмонов</i>	<i>31.01.2015й</i>	
2.боб Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган бугдой сифатини оширишни ҳозирги ҳолати ва тахлили.			
<i>2.1 Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигини табиий иқтисодий тавсифи.</i>	<i>Кат.ўқт. М.Усмонов</i>	<i>28.02.2015й</i>	
<i>2.2 Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган бугдой сифатини оширишни ҳозирги ҳолати ва тахлили.</i>	<i>Кат.ўқт. М.Усмонов</i>	<i>28.03.2015й</i>	
<i>2.3 Фермер хўжаликларида бугдой етиштириш агротехнологиясини ташиқл этиш</i>	<i>Кат.ўқт. Г. Ўринбоева</i>	<i>7.04.2015й</i>	
3. боб Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган бугдой сифатини оширишга таъсир этувчи омиллар.			
<i>3.1 Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган бугдой сифатини оширишга таъсир этувчи омиллар.</i>	<i>Кат.ўқт. М.Усмонов</i>	<i>15.04.2015й</i>	
<i>3.2 Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида бугдой етиштиришни такоминлаштириш йўллари.</i>	<i>Кат.ўқт. М.Усмонов</i>	<i>27.04.2015й</i>	
Хулоса ва таклифлар.	Кат.ўқт. М.Усманов	1.05.2015й	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	Кат.ўқт. М.Усманов	5.05.2015й	

Топириқ берилган вақти:

« 12 » сентябр 2014 йил

БМИ раҳбари:

кат. ўқт. М.Усмонов.

Битирувчи:

М. Юлдашева.

Мундарижа.

№	Мазмуни	Бетлар
1.	Кириш	5-15
2.	1.боб. Иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификациялаштириш шароитида тайёрланаётган бўғдой сифатини оширишни илмий-услубий асослари.	16-21
	<i>1.1 Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида тайёрланган бўғдой сифатини ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.</i>	22-31
	<i>1.2 Иқтисодиётни диверсификациялаштириш шароитида фермер хўжаликларида тайёрланаётган бўғдой сифатини оширишни илмий ва услубий асослари.</i>	32-42
3.	2.боб. Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган бўғдой сифатини оширишни хозирги ҳолати ва тахлили.	43-64
	<i>2.1 Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигини табиий иқтисодий тавсифи.</i>	32-42
	<i>2.2 Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган бўғдой сифатини оширишни хозирги ҳолати ва тахлили.</i>	43-56
	<i>2.3 Фермер хўжаликларида бўғдой етиштириш агротехнологиясини ташкил этиш</i>	57-64
4.	3. боб. Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган бўғдой сифатини оширишга таъсир этувчи омиллар.	65-75
	<i>3.1 Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган бўғдой сифатини оширишга таъсир этувчи омиллар.</i>	65-70
	<i>3.2 Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида бўғдой етиштиришни такомиллаштириш йўллари.</i>	71-75
5.	Хулоса ва таклифлар.	76-78
6.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	79-82

КИРИШ

Инқи рознинг глаболизация жараёни ва уни чуқурлашуви - давлатлараро иқтисодиётларнинг ўзаро боғланишини кучайишига, жаҳон бозорларида

рақобат ва молиявий – иқтисодий беқарорлигига олиб келмоқда. Мамлакатларнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳисобига уларнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш мумкин.

Рақобатдошликнинг юксалиши - мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширади, аҳоли турмуш даражасининг ўсишига ва сифатининг яхшиланишига олиб келади.

Танлаб олинган иқтисодий механизм, ташкил этилган инфратузилмалар, бошқарув усуллари, давлатнинг геоиқтисодий ҳолати ва миллий қадриятлари ҳамда ривожланиш тарихи – буларнинг барчаси муайян даражада мамлакат ва унинг корхоналарини рақобатбардошлигига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Рақобатбардошликнинг ташқи омилларига макроиқтисодий муҳит, ривожланишнинг иновацион йўлини танлаш, инфратузилмаларнинг ҳолати, инсон капиталининг сифати, миллий иқтисодиётнинг ҳудудий ва тармоқ жиҳатидан баланслашув даражаси ички омилларга ўзгарувчан таъсир кўрсатиши мумкин.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида рақобатбардошлигини ошириш масаласини ҳал этишнинг долзарблиги янада ортади ва у иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда модернизация қилишнинг изчил давом эттирадиган стратегик йўналиши сифатида қаралмоқда.

Мамлакат рақобатбардошлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири – барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий баланслашувнинг таъминланишидир. Бизнинг мамлакатимизни глобал инқрознинг тўғридан - тўғри таъсиридан ҳимоя қилган макроиқтисодий мувозанатлашувнинг асосий омиллари қаторига бюджетнинг профицитини таъминланиши, олтин-валюта расмий захираларининг юқорилиги ва давлат ташқи қарзларининг паст

даражаси, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидаги эҳтиёткорона алоқалар каби омилларни киритишимиз мумкин.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича тизимли тадбирлар белгиланган бўлиб, бу борада дастлаб реал сектордаги товар ва маҳсулотларнинг экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларни ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлаш, қатъий тежамкорликни қўллаб-қувватлаш, маҳсулот таннархи ва харажатларни пасайтиришни рағбатлантириш, жумладан, электр энергия тежамкорлигининг самарали тизимини жорий этиш ва энергия сиғимини қисқартириш бўйича чоралар, ички бозорда ялпи талабни рағбатлантириш ва бошқа тадбирлар белгиланган эди.

Ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш бўйича чораларнинг амалга оширилиши, ҳом-ашёни қатъий тежаш тизимининг қўлланиши маҳсулот таннархининг пасайишини таъминлайди, маҳсулот етиштиришнинг энергия сиғими ва моддий харажатларнинг қисқартирилишига олиб келади.

Реал секторга қарашли корхоналарда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва ҳом-ашёни чуқур қайта ишлайдиган тармоқлар улушини ошириш, ташқи бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг асосий мақсади ва устивор йўналишлари жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қаторига кириши билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан асослаб берилган иқтисодий сиёсат стратегияси айнан шу мақсадга қаратилган.

Ўзбекистонда иқтисодиётининг истиқболларидаги рақобатбардошлигини ошириш учун қуйдаги йўналишларга эътибор берилмоқда:

- иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг иновацион омилларини ошириш, ялпи ички маҳсулотда моддий ресурслар ва энергия сиғимини камайтириш ҳисобига мамлакат иқтисодиётини барқарорлигини таъминлаш;

- модернизациянинг биринчи навбатидаги объекти бўлиб иновацион маҳсулотга бўлган талабни таъминлашга қодир иқтисодий тизимлар, давлат

таълим стандартларига риоя қилиш, иновация инфратузилмалари ривожланиши учун зарур бўлган қулай муҳит ва бошқа барқарор иқтисодий ўсиш элементлари бўлиши лозим;

- ўта янги маҳсулот турлари ва юксак технологияларни ишлаб чиқишни ўзлаштириш асосида ташқи бозорда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш, саноат ишлаб чиқариши, биотехнология, информатика ва нанотехнологиядаги янги кашфиётларни қўллашга асосланган ҳамда миллий иқтисодиётнинг кўпгина тармоқ ва соҳаларида катта салоҳиятга эга бўлган энергия ва сув тежайдиган технологияларни жорий этиш;

- миллий иқтисодиётнинг жаҳон молиявий-иқтисодий тизимиغا интеграциялашувини чуқурлаштириш, унинг ташқи иқтисодий бозор конъюктурасига боғлиқлигини пасайтириш учун ташқи бозорда рақобатдош тайёр маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобидан экспорт таркибини диверсификация қилиш зарур.

Мамлакат миқёсида рақобатдошликни аниқлашда асосан яратилган макроиқтисодий муҳитга, молиявий институтларни ва инфратузилманинг ривожланиш даражасига, инсон капиталига, тадбикорлик муҳитга, товар ва молиявий ҳамда меҳнат бозорларининг ривожланишига эътибор қаратилади.

Қулай макроиқтисодий муҳит билан маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ўртасида ўзаро боғлиқликнинг мавжудлиги замонавий иқтисодий назария ва кўп сонли амалий тадқиқотлар билан исботланган. Масалан, инфляциянинг юксалиши иқтисодиётга инвестицияни кириб қелиш манбаларини камайтиради, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш суръатларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади, ишлаб чиқарувчилар харажатларни кўпайтиради ва нарх-наво бўйича рақобатбардошлик пасаяди. Товарларнинг рақобатбардошлигига товарнинг сифати, солиқ юки, валюта курсининг барқарорлиги, ишлаб чиқаришни хомашё сифimini ва иқтисодий ўсишнинг капитал сифими даражаси ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасини бозор иқтисодиётига ўтишдан мақсад - замонавий ривожланган демократик давлатни қуриш, иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдир.

Халқ хўжалиги тармоқлари ичида қишлоқ хўжалиги мамлакат халқ хўжалигининг энг муҳим ва йирик тармоқларидан бири ҳисобланади.

Ушбу тармоқ аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, қайта ишлаш саноатини зарурий хом-ашё билан таъминлаб келади. Қишлоқ хўжалигида сифатли маҳсулотлар етиштириш ва уларни дастлабки ёки тўлиқ қайта ишлаш, иқтисодиётимизни барқарор ривожланиб боришда муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун тармоқдаги эркин фаолиятни кўллаб-қувватлаш, турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларидан фойдаланиш, қонунда таъқиқланмаган турли тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланиш, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиб, фан техника ютуқлари, янги техника ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, пул маблағларидан ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишчилар меҳнатини рағбатлантириш негизида даромад ва фойдани кўпайтириш йўлларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалаларнинг илмий ҳамда амалий асосларини яратишда, бозорни, қишлоқ хўжалигини ва халқимизни ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Давлатимиз томонидан фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда фермер хўжаликларни ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларга барча шарт-шароитлар яратилди. Бу соҳада ер кодекси, фермер хўжалиги, ер кадастри, тадбиркорлик ва шу каби бошқа қонунлар қабул қилинди ва

қишлоқ хўжалигида юз бераётган чуқур таркибий ўзгаришларга мос ҳолда мунтазам такомиллаштириб борилмоқда.

Қонунларни ҳаётга тадбиқ этишда ва самарали фаолият кўрсатишда Давлатимиз томонидан қабул қилинган ва ҳаётга тадбиқ этилаётган қонунлар, қарорлар ва фармонлар ўзини ижобий натижаларини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устивор вазифамиздир” мавзусида мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатимизни жорий йилда яратилган ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат ишлаб чиқариш 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,9 фоизга, капитал қурилишда 10,9 фоизга, чакана савдо айланмаси 14,3 фоизга ошганлигини. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган товарлар ташкил этганлиги ҳақида айтиб ўтди. 2014 йили деҳқон ва фермер хўжаликларда замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобидан 3400 минг тоннадан зиёд пахта ва 8050 минг тонналик ғалла хирмони бунёд этганлиги ва 2015 йил учун белгиланган устивор вазифалар ичида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 108 фоиз даражасида бўлиши, шундан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6 фоизга кўпайиши белгиланган. Шу билан биргаликда 2015 йилли қуйдагиларга эътибор беришни таъкидлаб ўтди.

Биринчи навбатда, жаҳон бозорида тенг рақобатлаша оладиган ва кейинги босқичда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқ ва корхоналарни жадал ривожлантириш ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлаш зарур.

Иккинчидан. Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш.

Учинчидан. Иқтисодиётимизда давлатнинг иштироки қай даражада эканини баҳолаш, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш зарур.

Тўртинчидан. Корпоратив бошқарув тизимидаги тамойиллар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро менежмент стандартларини жорий этиш жиддий эътиборни талаб қилади.

Бешинчидан. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва тармоқлараро кооперациясини кенгайтириш иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартиришнинг энг муҳим манбаи ва омилидир.

Иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш, хўжалик юритиш тизимини ўзгартириш ҳисобига материаллар ва ҳом ашёни тежаб-тергаб сарфлаш, техника ва ускуналардан унумли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни камайтириш, фаолият пировардида даромад, фойда ва рентабелликни оширишга эришиш кўзда тутилган.

Кўрсатиб ўтилган омилларни барчаси маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини яхшилашни тақозо этмоқда. Хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун маҳсулот сифатини яхшилаш зарур, бунинг учун маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиб келинаётган ресурс ва имқониятларидан самарали фойдаланиш керак.

Республика қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатиб келувчи фермер хўжаликлар томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифати ва олинган даромадлари кўзлаган натижадан анча паст.

Бунга бевосита давлатга сотилаётган буғдойни сифат кўрсаткичлари ва улар ҳисобига олинаётган даромадлар ҳажмига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хўжаликни даромади қанча юқори бўлса, хўжаликни моддий манфаотдорлиги ортади, сарфланган харажатларни тўла қоплаш имконига эга бўлади, зарурий юқори қувватга эга бўлган техникалар ва янги технологиялар ишлаб чиқаришга тезкор жорий этилади, ишчиларни моддий манфаотдорлиги ортади, такрор ва кенгайтирилган ишлаб чиқаришни ташкил этишда давлат ва банк кредитларига мухтожлик камаяди.

Буғдой етиштириш билан шуғулланиб келувчи фермер хўжаликларни зарурий воситалар билан таъминлаш, ўз вақтида экиб олиш, етарлича ўғит билан таъминлаш, касаллик ва зараркунандаларга ишлов бериш, ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш натижасида, ҳосилни сифатини оширишга эришилади.

Буғдой етиштириш сифатига объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатмоқда. Буларга давлат буюртмаси бўйича давлатга маҳсулот сотиш харид нархларини бозор нархларидан анча пастлиги, буғдой маҳсулот етиштириш ва сотиш жараёнларидаги хизматлар нархини юқорилиги, ажратма турларини кўплиги ва кредит фоизларини юқорилиги даромадларни етишмовчилигига олиб келмоқда. Шу билан биргаликда фермер хўжаликлар томонидан олинган даромадлар тақсимотига юқори органларни аралашуви хўжалик фаолиятини қийин аҳволга солиб қўймоқда. Ушбу ҳолатдан чиқиш мақсадида, фермер хўжаликлар асосий фаолиятдан ташқари қонун доирасидан чиқмаган фаолиятлар билан шуғулланишга мажбур бўлмоқда. Бундай фаолият бир томонлама яхши бўлса, иккинчи томонида асосий фаолиятдан чекланишга олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Давлатимиз ҳукумати мамлакатимиз мустақиллигини дастлабки йилларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш орқали хўжаликларни даромадларини оширишга аълоҳида эътибор бериб келган. Бу борада пахта ва буғдой харид нархларини ҳар йили ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишдаги давлат стандартларини камайтириш, имтиёзли кредитлар бериш, узоқ муддатли кредитларни кўпайтириш ва бир қанча бошқа амалга оширилган чора-тадбирларни келтириш мумкин.

Шу билан биргаликда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун хўжаликларни моддий техника таъминотини мустаҳкамлаш, юқори ҳосил берадиган навлардан фойдаланиш, янги маҳаллий навларини яратиш, навларни етиштириш технологиясини замон талабларига мослаш ҳамда уруғчилик ва селекция ишларини ташкил этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари кучайтирилди.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохатлар натижасида ерлар ўз эгаларига топширилди, хўжаликлар шакли ўзгартирилди, бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда хўжалик фаолиятлари ихтисослаштирилди, суғориладиган ҳар бир гектар ердан унумли фойдаланиш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгиланди.

Фермер хўжаликларини ҳозирги кундаги буғдой етиштириш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда мен:

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигидаги тайёрланаётган буғдой сифатини оширишни иқтисодий самарадорликка таъсири мавзусида битирув малакавий ишимни танлаб олдим.

Битирув малакавий ишим – битирув малакавий ишларини ёзиш бўйича берилган тавсияларга ва хўжалик маълумотларига таъянган ҳолда ёзилган.

Битирув малакавий ишимда фермер хўжалигида буғдой етиштириш сифатини ошириш долзарблиги, эришилган натижалар, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари ёритилган.

Битирув малакавий ишимни вазифаси – фермер хўжаликларида буғдой етиштириш сифатини яхшилашнинг иқтисодий самарадорликка таъсири бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мавзуимни асосий мақсади ҳисобланади.

Битирув малакавий ишимда:

- фермер хўжаликларида буғдой етиштириш сифатини яхшилаш йўллариини такомиллаштиришни хўжаликни иқтисодий самарадорлигига таъсириини аҳамияти назарий жиҳатдан асосланди ва унга таъсир этувчи омиллар аниқланди;

- фермер хўжалигида буғдой етиштириш сифатини яхшилаш йўллари кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди;

- фермер хўжаликларда буғдой етиштириш сифатини яхшилаш йўллари хўжаликни иқтисодий самарадорлигига таъсир этишлиги ўрганилди;

- фермерлар томонидан буғдой етиштириш сифатини яхшилашда харажатларни камайтиришга аҳамият бериш лозимлиги, даромадларни ошишига таъсир этишлиги қиёсий таҳлил қилинди ва баҳо берилди;

- фермер хўжаликлар томонидан буғдой етиштириш сифатини яхшилашни такомиллаштириш ҳисобига даромадларни ошириш йўлларини топиш ҳисобига моддий манфаатдорликни ортиши кўрсатиб ўтилди;

- фермер хўжаликларида буғдой етиштириш сифатини яхшилаш йўлларига хизмат кўрсатиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

- фермер хўжаликларида буғдой етиштиришни сифат кўрсаткичини яхшилашда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланди;

Битирув малакавий ишимни илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- фермер хўжаликлар томонидан буғдой етиштириш сифатини яхшилаш йўлларини амалга ошириш ҳисобига хўжаликни иқтисодий самарадорлигини яхшилашга таъсири, назарий жиҳатдан асослаб берилди ва унга таъсир этувчи омиллар таъсифланди;

- фермер хўжаликлар томонидан буғдой етиштириш ва сифатини яхшилаш йўллари бўйича рағбатлантириш ва моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди;

- фермер хўжаликларда буғдой етиштириш сифатини яхшилаш маҳсулот етиштириш ва сотиш жараёнидаги йўқатишларни камайтириш бўйича тавсиялар тайёрланди;

- фермер хўжаликларда буғдой етиштириш сифатини яхшилаш йўлларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маҳсулотни сотиш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишимни натижаларини илмий ва амалий аҳамияти:

- мавзу бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар хўжаликни буғдой етиштириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, маҳсулот миқдори ва сифатини яхшилашга ҳисса қўшганларни моддий манфаатдорлигини ошириш, маҳсулотларни сақлаб сотиш ва қайта ишлаб сотиш учун зарурий техника ва технология билан таъминлаш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Битирув малакавий ишим киришдан, 3 бобдан иборат бўлган асосий қисмдан ҳамда мавзу юзасидан ёзилган таклиф ва мулоҳазалардан ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишимни кириш қисмида танланган мавзуни бозор иқтисодиёти шароитида долзарблиги, ўрганилган даражаси, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва олинган натижаларни назарий ва амалий аҳамияти ёритилган.

Биринчи боб: Иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификациялаштириш шароитида тайёрланаётган буғдой сифатини оширишни илмий-услубий асосларига бағишланган.

Биринчи бобни биринчи қисмида - Иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификациялаштириш шароитида тайёрланаётган буғдой сифатини оширишни илмий-услубий асослари ёритилган.

Биринчи бобни иккинчи қисмида - Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида тайёрланган буғдой сифатини оширишни ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ёритилган.

Иккинчи боб: Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган буғдой сифатини оширишни ҳозирги ҳолати ва тахлилига бағишланган.

Иккинчи бобни биринчи қисмида - Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигини табиий иқтисодий тавсифи ёритилган.

Иккинчи бобни иккинчи қисмида - Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган буғдой сифатини оширишни ҳозирги ҳолати ва тахлили ёритилган.

Учинчи бобни учинчи қисмида – Фермер хўжаликларида буғдой етиштириш агротехнологиясини ташкил этиш.

Учинчи боб: Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган бўғдой сифатини оширишга таъсир этувчи омилларга бағишланган.

Учинчи бобни биринчи қисмида - Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган буғдой сифатини оширишга таъсир этувчи омиллар ёритилган.

Учинчи бобни икинчи қисмида - Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида буғдой етиштиришни такоминлаштириш йўллари.

Битирув малакавий ишимни сўнгида мавзу юзасидан хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

**1 боб. Иқтисодиётни янада модернизация ва
диверсификациялаштириш шароитида тайёрланаётган буғдой
сифатини оширишни илмий-услубий асослари.**

**1.1 Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида тайёрланган
буғдой сифатини оширишни ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.**

Иқтисодиётни модернизациялаштириш билан боғлиқ ислохотларни амалга ошириш ҳисобига, республика иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланиб келмоқда, аҳолини турмуш даражаси юксалмоқда ва мамлакатимизнинг жаҳон бозорларидаги мавқеи янада мустаҳкамламоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги ва инқирозга қарши курашиш борасида тўпланган тажрибалар нуфузли халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда жаҳондаги етакчи илмий марказлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Мамлакатимизда дончилик асосий озиқа маҳсулоти бўлганлиги учун буғдой етиштиришни кескин кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Буғдой етиштириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Аҳолини нон ва нон маҳсулотларига, чорвачилик тармоқларини омухта озиқаларга бўлган талабини тўла қондириш имконини берувчи буғдой ишлаб чиқариши давлат томонидан кўллаб - қувватланмоқда ва бу соҳани биринчи даражали вазифага айлантиришга сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республика аҳолисининг кўпайиши натижасида дон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун республикаимизда ҳар йили камида 7 млн. тонна буғдой етиштириш зарур. Ушбу етиштирилган донларнинг бир қисми истеъмолга, бир қисми уруғликка, яна бир қисми чорва моллари учун озиқага ҳамда бошқа эҳтиёжларга сарфланиб келинмоқда.

Ўзбекистонда дон муаммосини хал этиш учун юқори ҳосил берадиган навлардан фойдаланиш, уларни ўз вақтида экишга, агротехника

қойидаларига амал қилиш, замонавий уруғчилик тизимини қўллаш, ерни ўғитлаш тизимига эътибор бериш, ҳосилни ўз муддатларда ва нес-нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб олишга риоя қилишни тақазо этмоқда. Бунинг учун фермер хўжаликларга тўла иқтисодий эркинлик бериш, донни давлат томонидан сотиб олиш баҳоларини жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш, дон етиштирувчининг замон талаби даражасида фаолият кўрсатиш имкониятларини яратиш зарур.

Якин йиллар ичида давлатимизда етиштирилаётган буғдой ҳисобига ички талабни қондириш (8050 минг тонна) ва четга дон сотиш имкони қўлга киритилди. Шу билан биргаликда буғдой етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича ўз ечимини кутган айрим долзарб муоммалар мавжуд. Буларга буғдойни ўз вақтида экиб олиш, ўғитлаш тизими, сув билан таъминлаш, ҳосилни йиғиштириб олиш ва бошқалар. Ушбу муоммаларни оқилона ҳал этиш учун фермерларга буғдой етиштиришда эркинлик бериш, зарурий воситалар билан таъминлаш, сотишдан олдин буғдойни бошланғич қайта ишлашни ташкил этиш имконини бериш, фермерларни моддий манфаатдорлигини ошириш зарур.

Дала экинлар балансида, буғдой экинларни улуши юқори салмоққа эга. Жаҳон мамлакатларида дон экинларидан буғдой, шоли, маккажўҳори, арпа, жўҳори, тарик, сули, жавдари кўп тарқалган.

Донли экинлардан буғдой билан шолени аҳоли кўп истеъмол қилади. Ер юзидаги аҳолининг 70 фоизи буғдой, 30 фоизи шоли маҳсулотларини истеъмол қилади.

Донли экинлар ўзида инсон организми учун зарур бўлган оксил моддасини ва углеводни кўп сақлайди. Доннинг кимёвий таркибида 13,6 фоизини сув, 16,8 фоизини оксил моддаси, 63,8 фоизини углевод, 2 фоизини ёғ ва бошқалар ташкил қилади. Шунингдек, донли ўсимликларнинг таркибида ферментлар ва В витаминлари мажмуаси (В1, В2, В6) ҳамда РР ва провитаминлардан А бор.

Мамлакатимизнинг суғориладиган ерларда бошоқли дон экинларининг ўртача ҳосилдорлиги 35-40 центнерни, маккажўҳори дони 40-50 центнерни шолининг 35-38 центнерни ва буғдойни 50-60 центнерни ташкил этади.

Келгусида пахта майдонини бирмунча қисқариш дон, сабзавот ва мева етиштиришни кескин ошириш кўзда тутилмоқда.

Лалмикор ерлардан олинадиган буғдой ва арпа экинлар ҳосилдорлиги ўрта ҳисобида 8-12 центнерни ташкил этмоқда. Шунини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоизки, лалмикор ерларда экиладиган буғдой ва арпа экинларини кузги экини баҳордаги экинларга нисбатан анча юқори ҳосил беради.

Маълумки, қаттиқ буғдой донининг баҳоси юмшоқ буғдойга қараганда юқоридир (2014 йилли 1 классдаги юмшоқ буғдойни эркин нархлари 571000 сўмни ва қаттиқ буғдой бўйича 685840 сўмни ташкил этган). Шундай экан, интенсив технологияни кенг жорий этиш асосида кўплаб қаттиқ буғдой етиштириш қатта иқтисодий аҳамият касб этиб, хўжаликнинг даромадини кўпайтириш, макарон, кондитер ва озиқ-овқат саноатини сифатли хомашё билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шунини алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, Ўзбекистоннинг Жанубий, Жанубий-Ғарбий ҳамда марказий туманларида табиий иқлим шароитида қаттиқ буғдойдан мўл-кўл ва сифатли ҳосил олиш имконияти жуда катта. Бунда маҳсус экишга, туманлаштирилган юқори сифатли серҳосил навларнинг сара уруғларини экиш ва юқори агротехникани қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Буғдой етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашнинг асосий йўли - бу интенсив технологиядан фойдаланиш.

Кузги экинлар одатда кузда экилади ва ҳосили келгуси йили йиғиштириб олинади. Кузда экиладиган экинлар бир йиллик бўлиб яхши ҳосил беради. Кузги экинларнинг баҳорги экинлардан асосий фарқи унинг яровизациясидадир. Кузги дон уруғини баҳорда экиш яхши самара бермайди, чунки уруғ узок яровизация босқичини бошидан кечири олмай қолади, жуда кичик илдиз тизимини ҳосил қилади.

Кузги экиладиган экинлар ичида кузги буғдой, кузги жавдар ва кузги арпани улуши катта. Буғдойдан энг қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланади. Буғдой етиштиришга шу боисдан ҳам дунё деҳқончилигида катта ўрин берилган.

Буғдой таркибида инсон организми учун зарур бўлган кўпгина фойдали моддалар мавжуд бўлиб, халқаро стандартларга кўра буғдой таркибида 13,5 фоизи оксил тўплайди. Буғдой таркибида оксил кўп бўлишига иқлим шароити, тупроқнинг тузилмаси ва минерал ўғитлар катта таъсир кўрсатади.

Буғдой етиштиришнинг чорвачиликда ҳам аҳамияти катта. Буғдой донининг чорисидан ва буғдой сомонидан чорва моллари учун яхши озуқа тайёрланади. Шунингдек, буғдой сомонидан қоғоз маҳсулотлари тайёрланиши мумкин.

Кузги буғдойнинг уруғи ҳарорат +1, +2 С даража бўлганда униб чиқа бошлайди ва унинг майсалари пайдо бўлиши учун ҳарорат +12 +15 С даражада бўлиши керак.

Суғориладиган ҳудудда кузги буғдойнинг эрта кузда экилган уруғи 7-10 кунда, кеч кузда экилган уруғи эса 20-40 кунда кўкариб чиқади.

Кузги буғдойнинг гуллаш даври 3-5 кун, доннинг ҳосил бўлиши, унинг тўлишиши ва пишиб етилиши буғдой навига қараб ўртача 30 кун давом этади. Кузги буғдой гуркираб ўсаётган, найчага ўраладиган ва бошоқ чиқариладиган даврларида кўп намлик талаб қилади.

Баҳорги буғдой дунё деҳқончилигида жуда кўп тарқалган қимматбаҳо донли экиндир. У Шимолий қутб доирасидан тортиб, токи Африка ва Американинг энг Жанубий чегараларигача етиштирилади.

Баҳорги буғдой Ўзбекистоннинг Самарқанд, Тошкент, Сирдарё, Бухоро ва Сурхандарё вилоятларининг тоғ билан туташ ҳудудларида – тўлқинсимон, паст-баландликларда, лалмикор ерларга экилади.

Баҳорги буғдойнинг бўйи паст, бошоғи ва дони майдароқ бўлиб, анча секин тўпланади ва ўрта ҳисобида 1,2-1,5 метр бошоқлайдиган поя ҳосил қилади. Унинг илдизи кам ривожланган бўлади ва шунинг учун унумдор

тупроққа талабчан, эрта экилган баҳорги буғдой (феврал-март) 15-20 кун ичида +1, +2 С даражада унуб чиқади. Унинг майсаларли 15-20 даража иссиқда яхши ривожланади.

Баҳорги буғдой кузгига қараганда кеч пишади ва шунинг учун курғоқчиликка дуч келади. Натижада ҳосил камаяди ва дон пуч бўлиб қолиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида буғдой етиштириш ва сифатини яхшилаш алоҳида аҳамиятга эга. Буғдой етиштириш ва сифатини яхшилашни тўғри ташкил этиш ва мақсадга мувофиқ юритиш хўжаликда қабул қилинган буғдой етиштириш тизимида боғлиқ.

Буғдой етиштириш тизими - бу талаб даражасидаги сифатли, арзон, рақобатга чидамли буғдой етиштириш мақсадида ердан тўла фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган, ўзаро боғлиқ ҳамда бир-бирини тўлдирувчи иқтисодий, ташкилий, техникавий ва агротехник чоратadbирлар йиғиндиси тушунилади.

Буғдой етиштириш тизимининг асосини буғдой етиштириш технологияси, яъни агротехникаси ташкил қилади. Бу буғдой етиштириш технологияси, яъни тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш соҳасидаги агротехник таadbирларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, парвариш қилинаётган буғдой экинини хусусиятига мос келиши, буғдойни ўсиши ва ривожланишига қўмаклашиш ҳамда пировард натижада арзон ва юқори сифатли ҳосил етиштиришни таъминлаш керак.

Ҳар хил табиий-иқтисодий ва хўжалик юритиш шароитларига мувофиқ келадиган буғдой етиштириш тизимлари, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишига мос ҳолда, яъни техник ва кимёвий воситалар, экинларга ишлов бериш технологияси ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг такомиллашувига қараб доим ўзгариб, янгиланиб келмоқда ва шундай тараққий этиб бораверади.

Буғдой етиштириш тизими тўғрисидаги таълимот 200 йилдан ортиқ тарихга эга бўлиб, унинг алмашилиб туриши қўйидаги тартибда амалга оширилган:

- ўрмон ва чакалакзорларни куйдириб буғдой етиштириш;
- ерларни узок муддатга ташлаб қўйиш ҳисобига буғдой етиштириш;
- шудгорлаш орқали буғдой етиштириш;
- ўт-далали алмашлаб экиш ёрдамида буғдой етиштириш;
- қатор ораларига ишлов бериб, буғдой етиштириш.

Фан ва техниканинг таракқий этиши ҳамда аҳолини тез суръатлар билан кўпайиши туфайли, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, айниқса, буғдойга маҳсулотларига, чорвачиликда ва саноатда талаб анча ошди.

Бу даврларга келиб фаннинг ривожланиши ва хусусан биология фани, ўсимликларнинг озикланиш хусусиятларини кашф этилиши, буғдой етиштириш тизимининг тубдан ўзгаришига олиб келади.

1.2 Иқтисодийни диверсификациялаштириш шароитида фермер хўжаликларида тайёрланаётган буғдой сифатини оширишни илмий ва услубий асослари.

Маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини ошириш ҳар бир фермер хўжалигини олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Диверсификациялаштириш етиштириб келинаётган маҳсулот турларини кўпайтиришни ифодалаб берар экан, демак маҳсулот ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш зарур. 1986 йилда Стандартизация бўйича халқаро ташкилот (ISO) томонидан иқтисодийнинг барча тармоқлари учун маҳсулот сифати тушунчасига аниқлик киритилган эди. Унга кўра сифат – маҳсулот ёки хизматнинг истеъмолни қондиришга имкон берувчи хусусиятлар йиғиндиси деб тариф берилган.

Сифат истеъмолнинг қандай даражада қондирилганини ўлчовчи мезон сифатида юзага чиқади. Бу ерда сифат ижтимоий истеъмол қийматининг миқдорий характеристикасини, меҳнат маҳсулининг фойдалилиги даражасини акс эттиради.

Фан-техника тараққиёти натижасида маҳсулотлар сифатига кўйилаётган талаб даражаси кескин ошмоқда. Юқори сифатли маҳсулотни истеъмол қилиш ёки фойдаланиш, истеъмолдан ва фойдаланишдан қониқиш даражасини ва унинг фойдалилигини ортиши билан характерланади.

Қайта ишлаш саноати эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг яроқлилиги, ресурс сарфи даражаси, экологик хавфсизлиги, ташиш ва сақлашга қулайлиги, тайёр маҳсулот чиқиш даражаси, клейкавиналик даражаси, толанинг пишиқлиги, мустаҳкамлиги каби бир қатор сифат кўрсаткичларига эътибор қаратадилар.

Ички ва ташқи бозорларда вужудга келаётган кескин рақобат муҳити шароитида “яшаб қолиш” учун маҳсулот сифатини ошириш энг зарур шартлардан бирига айланмоқда. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлар бозорида ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бирга четдан импорт қилинган маҳсулотлар ҳам сотилади.

Кейинги пайтларда хўжаликларнинг ташқи иқтисодий фаолияти фаоллашиб бормоқда, маҳсулотни экспорт қилиш одатий ҳолга айланмоқда.

Маҳсулот сифатини ошириш, маҳсулот бирлиги ҳисобига сарфланган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Маҳсулот сифатини ошириш умумдавлат ва жамият миқёсида ҳам манфаатлидир.

Қишлоқ хўжалиқ фаолиятини иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири бу буғдой етиштириш сифатини ошириш бўлиб, ишлаб чиқарилаётган буғдойни ташқи ва ички бозорда рақобатбардошлигини оширишга эришилади. Шу туфайли буғдой етиштиришни кўпайтириш ва сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Буғдой ишлаб чиқариш деҳқончилик тармоғини асосий бўғини бўлиб, давлат назоратида туради. Чунки, буғдой маҳсулотлари ҳисобига аҳолини озиқ –овқат маҳсулотларга бўлган талаби ва чорвачиликни озиқлантириш талаби қондирилади.

Буғдой маҳсулотларига бўлган талабни қондириш учун буғдой ҳосилдорлигини 80-100 центнерга етказиш, сифатини ва тозаллигини яхшилаш ҳамда тоғ олди ва лалми ерлар майдонида баҳорги қаттиқ буғдой экишни кўпайтириш зарур.

Юқоридаги вазифаларни бажариш учун замонавий уруғчилик тизимига, ҳосил сифатини ошириш имконини берувчи агротехник қоидаларига, ҳосилни ўз вақтида йиғиб олишга ва сотиш олдидан бошланғич қайта ишлаш (қуриштиш, чоридан тозалаш) тадбирларга амал қилиш керак. Шу билан биргаликда буғдой етиштирувчиларга тўла иқтисодий мустақиллик бериш, буғдой харид баҳоларини тартибга солиш, зарар кўрмасдан фаолият кўрсатиш шароитларини яратиб бериш зарур.

Ҳозирги кунда буғдой етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашга қатор муаммолар тўскинлик қилмоқда:

- уруғлик материаллар сифат даражасини пастлиги,
- бир гектарга сарфланадиган меъёрларни йилдан - йилга камайиши,

- кўчат қалинлигига эътибор килинмаслиги,
- экинларни ўз вақтида экилмаслиги,
- талаб даражасида минерал ўғитлар билан таъминлмаслиги,
- турли кассаллик ва хашоратга кимёвий ишлов беришни самарасини пастлиги,
- бегона ўтларга қарши курашиш ишларни ташкил этилмаслиги,
- ҳосилни ўриб олиш ва ташиш қойдаларига амал килмаслиги,
- бошланғич қайта ишлаш ишларни амалга оширилмаслиги.

Давлатимиз ҳар йили буғдой захирасига эга бўлиб келмоқда ва уни ҳар йили янгилаб боради. Бу иш давлатни асосий вазифаси ҳисобланади. Давлатимиз яқин келажакда буғдой экинлар ҳосилдорлигини 45-50 центнерга ва ялпи ҳосилни 9 млн тоннага етказиш белгиланган. Бошоқли дон экинлари пахта майдонларини камайтириш ҳисобига кенгайтирилади. Шу билан биргаликда буғдой ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ғўза қатор ораларига буғдой экиш қисқаради.

Буғдой экинларидан юқори ҳосил олиш учун ҳар гектарига 20 тоннадан органик ўғит ва 300 килограмдан соф ҳолда минерал ўғит солиш белгиланган.

Буғдой маҳсулотларига бўлган талабни қондириш ва сифатини яхшилаш учун давлат томонидан қуйдаги тадбирларни амалга ошириш белгиланган:

- табиий иқлим шарт-шароитига кўра янги навлар яратиш;
- суғориладиган майдонларида дон экин майдонини кўпайтириш;
- уруғлик донларни сақлаш, асраш, дорилаш ва тозаллигига эътибор бериш;
- буғдой экинларининг касалликларига, зараркунандаларга қарши сифатли кимёвий ва биологик воситаларни ўзимизда ишлаб чиқиш;
- буғдой етиштирувчиларни моддий мафаатдорлигини ошириш, режадан ортиқча етиштирилган ҳосилни ихтиёрий равишда етиштирувчилар таъсаруфида қолдириш ёки оширилган нархларда қабул қилиш (мажбуриятлар ҳисобига топширишлар).

Республика далаларида буғдойни Санзар-8, Ёнбош, Маржан, Интенсив, Улуғбек-600 каби маҳаллий навлари яратилган бўлиб, ҳозирги кунда фойдаланиб келинмоқда.

Фан ва техниканинг тараққий этиши ҳамда аҳолини тез суръатлар билан ўсиши, аҳолини, чорвачиликни ва саноатни сифатли буғдойга бўлган талабини анча оширмоқда. Бу ўз навбатида фанларни ривожланишини ва хусусан биология фанини, ўсимликларнинг озикланиш хусусиятларини кашф этилишини, буғдой етиштириш тизимининг тубдан ўзгаришини талаб этмоқда.

Француз олими Либих ҳамма экинларни озикланиш хусусиятига кўра 2 гуруҳга (биринчи гуруҳдаги экинлар тупроқдан озик олишини ва иккинчи гуруҳдаги экинлар эса ҳаводан озик олиб, озика моддалари илдизда тўплашини исботлади) ажратиб олишга эришди, бу ўз навбатида экинларни алмашлаб экишни қўллаш ва самарадорлигини ошириш имконини яритиб берди. Қишлоқ хўжалигида қўлланиб келинаётган шудгорлаб экиш тизими ўрнига алмашлаб экиш тизимини қўллаш имкони яратилди.

Алмашлаб экиш тизимида донли экинлар 1-2 йилдан ортиқ экилмасдан, балки чопиқ талаб қилинадиган экинлар, маккажўҳори, картошка, беда ва бошқалар билан алмаштирилади.

Чопиқ қилинадиган экинларни экиб, деҳқончилик қилиш ўсимчиликнинг жадаллашган тизими бўлиб, маълум ер бирлигидан кўпроқ маҳсулот олишни таъминлайди. Бу тизим минерал ва маҳаллий ўғитлардан, кимёвий воситалардан фойдаланиш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга асосланади.

Академик Д.Н.Прянишников ва унинг издошлари экинларга минарал ва маҳаллий ўғит солиш - тупроқ унумдорлигини, экинлар ҳосилдорлигини, сифатини, меҳнат унимдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини пасайишига олиб келишини асослаб беришди. Шунга асосан деҳқончилик қишлоқ хўжалик тараққиётининг бош йўналиши ва объектив зарурияти бўлиб қолди.

Буғдой етиштириш сифатини ошириш қуйидаги имкониятларни яратиб беради:

- буғдой етиштириш бўйича шартнома кўрсаткичлари ва давлат буюртмаларини ўз вақтида бажариш;
- буғдой ишлаб чиқаришни бошқа тармоқлар билан мутаносиб олиб бориш;
- буғдой ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш ишларини ташкил этиш ҳамда экспортга йўналтиришни кўпайтириш;
- барча ресурслардан тўлиқ ва унумли фойдаланиш;
- кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун керак бўлган жамғармани ташкил этиш;
- ишлаб чиқаришга йўналтирилган маблағларни айланиш тезлигини ошириш.

Буғдой етиштиришни сифатини яхшилашда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган дастурни яратиш.
2. Буғдой етиштириш билан боғлиқ бўлган асосий ва айланма воситалар билан таъминлаш.
3. Буғдой ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, электрлаштириш ва автоматлаштириш тизимини ишлаб чиқиш.
4. Етиштирилган буғдойни йиғиб-териб олиш, юклаб тушуриш, ва ташиб олиш ишларига эътибор қилиш,
5. Етиштирилган буғдойни бошлангич қайта ишлаш, сақлаш, сотишни ташкил этиш.
6. Меҳнатни ташкил этиш, ҳақ тўлаш ва уни ҳимояга олиш.
7. Буғдой ишлаб чиқаришни бошқариш ва ишлаб чиқариш ташкил этишни узвийлигини таъминлашга.

Буғдой етиштириш ва сифатини яхшилашда ҳозирги замон фан ва техника ютуқларига таянган ҳолда амалга ошириш зарур. Бу эса ўз навбатида, бир қатор омилларга, хусусан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ернинг унумдорлигини ошириш ва ҳоказоларга боғлиқдир.

Фермер хўжаликларида буғдой сифатини яхшилаш, хосилдорлигини ошириш, ялпи ва товар маҳсулот миқдорини кўпайтириш учун буғдой етиштиришда замонавий агротехнология усулларида фойдаланиш, ўриб олган хосилни бошлангич қайта ишлашга эътибор бериш зарур.

Буғдой етиштиришни ташкил этиш бевосита хўжаликни жойланишига, табиий-иқлим шарт-шароитига, тупроқ унимдорлигига, зарурий воситаларни ва ҳомашёларни мавжудлигига, уларни қувватига, фойдаланиш даражасига боғлиқдир.

Буғдой етиштириш ўз йўналишига қараб, кузги ва баҳорги турларига бўлинади. Улар бир-биридан вегетация даври билан, хосилдорлик даражаси билан ва маҳсулот сифати билан фарқланади. Буғдой экинидан асосий ва қўшимча маҳсулот олинади. Хўжаликлар қўшимча маҳсулот ҳисобига қорамолчилик ва паррандачиликни ривожлантиришлари мумкин. Буғдой етиштириш тизимини ривожлантириш ҳисобига кам ҳосил берадиган фойдали томони камроқ бўлган навларни далалардан суриб чиқади. Улар ўрнига серҳосил ва иқтисодий фойдали буғдой навларидан фойдаланиш керак.

Буғдой етиштиришни тўғри ташкил этиш - ердан, сувдан, ишчи кучидан, техникадан, маблағдан ва табиий иқлим шарт-шароитидан унумли фойдаланиш имконини яратиб беради.

Буғдой етиштириш ва сифатини яхшилаш олимлар томонидан кўп ўрганиб келинган, жумладан, рус олимларидан академик В.Р.Вилиамс, Докучаев, Костичев, Измайловский ва бошқалар баҳорги буғдой етиштириш тизимини таклиф қилишган.

Профессор Б.И.Яковлев буғдойни хусусиятидан келиб чиққан ҳолда буғдой етиштиришни 3 гуруҳга (экстенсив, ўтиб борувчи ва интенсив) бўлиб ўрганиш кераклиги ҳақида фикрини билдирган. Шу билан биргаликда буғдой етиштиришни ташкил этиш, тупроқ унимдорлигини тиклаш ва ошириш имконини берувчи, ердан жадаллашган ҳолда фойдаланишни талаб этувчи ўзаро боғлиқ бўлган агротехник, мелиоратив ва ташкилий тадбирлар

мажмуий деб таъриф берган. (Б.И.Яковлев. «Организация производства на селско-хозяйственных предприятиях». Учебник. Москва. Агропромиздат. 1989 год. стр 204).

Профессор И.Я.Петренко: дон ишлаб чиқаришга тўхталиб ўтар экан у куйдаги фикрларни билдириб ўтди:

“От уровня развития зернового производства зависит также рентабельность всего сельскохозяйственного производства”. Муаллиф ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш омиллари ва йўллари ёритишда куйдагиларни ёзиб ўтди “... Важнейшим фактором и путём повышения экономической рентабельности производства продукции растениеводства является дальнейшее увеличение урожайности всех сельскохозяйственных и прежде всего зерновых культур”. (И.Я Петренко. Экономика сельскохозяйственного производства. Учебник: Алма-Ата. “Кайнар” 1992 й. 507 стр).

Шу билан биргаликда буғдой етиштириш ва сифатини оширишни ўрганиб келган ўзбек олимларимиздан профессор Ф.Жўраев, Ғ.А.Саматов ва бошқалар Ўзбекистонда кузги буғдой етиштириш баҳорги буғдой етиштиришга нисбатан самарали эканлигини аниқлаб беришди.

Профессор Ғ.Миркаримов - қаттиқ буғдой етиштириш ердан, иқлимдан унумли фойдалниш имконини бермайди. Лекин, баҳорги буғдой етиштириш республика қишлоқ хўжалик талабларига жавоб бера олмади. (Ғ.Миркаримов. Колхоз ва совхозларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва планлаштириш. Дарслик. Т-Мехнат. 1989 йил 219-220 бетлар).

Профессор Ғ.А.Саматов - лалмикор ерларда экиладиган буғдой ва арпа экинлари кузда экилганда баҳордагига қараганда анча юқори ҳосил беради”. Шу билан биргаликда муаллиф ғалла маҳсулотларини ишлаб чиқариш хажмига ва сифатига таъсир этувчи омилларга тўхталиб ўтди “...Ғалла маҳсулотлари ишлаб ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг самарадорлиги жой - иқлим шароитлари, ғалланинг озик-овқат, техник ёки ем-хашак мақсадларида етиштирилиши, кузги ва лалми экинларнинг

нисбати, қўлланиладиган технология, меҳнат ва моддий воситалар билан таъминланишига кўп жihatдан боғлиқдир” деб ёзган. (Ғ.А.Самтов. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Дарслик. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ТошДАУ таҳририят- нашриёт бўлими. Тошкент. 2005 йил. 238 бет.)

Профессор Ф.Жўраев – муаллиф Ўзбекистонда етиштирилган дон маҳсулотларидан фойдаланиш йўналишларига, дон етиштиришдаги муаммоларга, давлатни дон етиштиришдаги ролига тўхталиб ўтди. “...Ўзбекистонда бир тонна донни 158 кг истеъмолга, 127 кг уруғликка, 600 кг чорва моллари учун озиқага ва 115 кг бошқа эхтиёжлар учун сарфлаш режалашган. Юқоридаги вазифаларни бажариш учун юқори агротехник қойидаларга, замонавий уруғчилик тизимига, ерни ўғитлаш, хосилни ўз вақтида нес-набуд қилмай йиғиб олишга риоя қилиш кераклигига, етиштирувчиларга маҳсулот етиштиришда мустақиллик бериш, дон харид баҳоларни тартибга солиш, зарар кўрмасдан фаолият кўрсатиш кераклиги ҳақида ёзиб ўтди. (Ф.Жўраев. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Дарслик. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти. 2004 й.182 бет).

Профессор А.Абдуғаниев - ўсимликчилик тармоғига тариф беришда ва бу тармоқни аҳамиятини ёриташда муаллиф пахтачилик ва ғаллачиликларини аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди ва қуйидаги фикрларни билдирди. ”... Ўсимликчилик тармоқлари орасида пахтачилик билан ғаллачилик давлат миқёсида стратегик аҳамиятга эгадир. Бу тармоқлар республикадаги йирик ва муҳим ҳисобланган “Ўздонмаҳсулот”, пахта тозалаш саноати, тўқимачилик ва енгил саноатини ҳамда нон маҳсулотлари корхоналарини хомашё билан таъминлайди. Натижада миллионлаб ишчи-хизматчилар иш ҳамда даромад билан таъминланади деб ёзган. (А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. Т-2004 й. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси нашриёти . 265 бет).

Қ.Х.Ф.Н. Р.Сиддиқов - “Ўсимликни ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига ташқи муҳит омиллари ўз таъсирини кўрсатади. Шу билан бир қаторда ўсимликка таъсир этадиган маълум бир омил ўрнини бошқаси боса олмайди. Ҳар бир омил ўзининг ўсимликка кўрсатадиган физиологик таъсири билан бир хил аҳамиятга эга. Бир омил билан бошқа бир омилни алмаштириш мумкин эмас. Масалан, фосфор ўғити ётишмаганда калий ўғити билан алмаштириб бўлмайди. (Суғориладиган ерларда кузги буғдой навлари ва уларни етиштириш технологияси. қўлланма. Т-2011 й. Тафаккур конати. 15 бет).

Профессор О.П.Умирзаков ва бошқалар - “Жахонда буғдойнинг 24 та тури мавжуд бўлиб, улардан 2 таси экилади: - юмшоқ ва қаттиқ буғдой. Буғдой кузги ва баҳорги бўлади. Дони оқ ва қизил рангда. Қаттиқ буғдой деярли баҳорги ҳисобланади. Экин майдонларга буғдойнинг Саезар-4, Санзар-8, Ёнбош, Маржон, Унумли буғдой, Интенсив, Безастоя-1, Спартанка, Скифянка, Юна навлари мавжуд бўлиб, бошоқларини узунлиги 9-11см, қизил, 1000 дона донни вазни 41-45 гр, ўсимликни бўйи 95-110 см бўлиб, ётиб қолишга чидамли, эртапишар, ҳосилдорлиги 50-60 центнер, донни сифати яхши деб таъриф берган. (О.П.Умирзаков. Фермер хўжалигининг иқтисодиёти. Тошкент. Иқтисодиёт-молия” 2007 йил.199-200 бет”).

Профессор М.С. Юсупов – сифат ҳақида тушунча ва уни аҳамияти ҳақида қуйдаги фикрларни билдирган:

“...Сифат истеъмолнинг қандай даражада қондирилганини ўлчовчи мезон сифатида юзага чиқади. Бу ерда сифат ижтимоий истеъмол қийматининг миқдорий характеристикасини, меҳнат маҳсулининг фойдалилиги даражасини акс эттиради.”

“...Маҳсулот сифати кўрсаткичлари – уни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ маълум бир сифат кўрсаткичлари параметрларининг миқдорий ўлчамини ифодалайди. Қишлоқ хўжалигида бундай кўрсаткичларга озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича уларнинг фойдалилик даражаси, технологик параметрлари, стандартлаштириш хусусиятлари,

ишончлилиги, экологик тозалиги, тўйимлилиги каби кўрсаткичлар кирса, пахта хом-ашёсида унинг навлари, типи, тола ва чигит чиқиш нисбати, толанинг узунлиги ва пишиқлиги каби кўрсаткичларни мисол қилиб келтириш мумкин”. (М.С Юсупов “ Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини бошқриш” фанидан таянч конспекти Т-2011 й)

2.606. Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган буғдой сифатини оширишни ҳозирги ҳолати ва таҳлили.

2.1. Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигини табиий иқтисодий тавсифи.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалиги собиқ “Ўзбекистон” ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясининг 2006 йил 12 декабрдаги 115 сонли умумий йиғилишининг баённомасига, туман ҳокимининг 2006 йил 14 январидagi 37-сонли қарори билан 69 гектар кўринишда ҳуқуқий шахс сифатида ташкил этилди ҳамда 2011 йилли 22 июндаги 382-К сонли туман ҳокимини қарорига асосан қайта рўйхатдан ўтказилди. Фермер хўжалигига ер участкалар 49 йил муддатга ижара шаклида фойдаланиш учун берилди.

“Нодир миришкор” фермер хўжалиги Андижон вилояти, Андижон тумани “Ўзбекистон” массивини Бўтақара қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Тўпабжувоз маҳалласига яқин жойлашган. “Нодир миришкор” фермер хўжалиги қулай шарт-шароитга эга бўлган, аҳоли пунктига яқин жойлашган, оқава сув билан таъминланган, ўртача тупроқ унумдорлигига эга бўлган, текисликда жойлашган ўртача фермер хўжаликлар қаторига киради.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжалигининг жойлашган ўрни қулай бўлиб, келажакда бу имкониятлардан самарали фойдаланиш мумкин.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигини жойлашган ҳудудининг табиий-иқлим шарт-шароити кескин континентал (ўзгарувчан) бўлиб, ёз кунлари иссиқ, қиш кунлари эса совуқдир. Ёз фаслида ҳаво ҳарорати +38 +42 даражагача кўтарилса, қиш фаслида -14 - 15 даражагача пасайиши мумкин. Йиллик ёғингарчилик миқдори талаб даражасида бўлмаганлиги сабабли суғориб деҳқончилик қилинади. Хўжаликдаги ўртача кунлик ҳарорат 19 градусга ва намлик 21,0 миллиметрга тенг.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалиги ўзини иқтисодий муносабатларини олиб боришда асосан тумандаги Пахта тозалаш заводи, Дон маҳсулотлари қабул қилиш шаҳобчаси, туман АОЖ МТПси, туман Ўзқишлоқхўжаликкимё АОЖ, туман Пиллачилик шаҳобчаси, туман Ёнилғи мойлаш материалларини тарқатиш шаҳобчаси, Ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш ташкилоти, Сув истеъмолчилари уюшмаси, шу билан биргаликда тумандаги молиявий институтлар бўлмиш банк, молия, солиқ, суғурта ва бошқалар билан олиб бормокда.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалиги вилоят ва туман марказидан 15 километр узокликда жойлашган. Шу билан биргаликда пахта тозалаш заводиға қарашли пахта қабул қилиш пунктидан 4 километр, дон маҳсулотларини қабул қилиш шаҳобчасидан 13 километр, Андижон туманининг ОАЖ МТПсидан 9 километр, Ўзқишлоқхўжаликкимё АОЖдан 3,5 километр, Андижон туман нефтибазасига қарашли ёнилғи тарқатиш шаҳобчасидан 2 километр ва пиллакашлик шаҳобчасидан 8 километр узокликда жойлашган.

“Нодирбек миришқор” фермер хўжалиги Андижон - Шўро автомобиль йўлини четида жойлашган.

1-жадвал

Андижон туманидаги “Нодирбек миришқор” фермер хўжалигини ижараға олинган ер участкаларидан фойдаланиш йўналишлари.

Номи	Майдон (га)	Номи	Майдон (га)
Сувли хайдаладиган	57,7	Томорқа ерлари	-
Лалми хайдаладиган	-	Ихота дарахтлар	-
Боғлар	5,6	Сувостидаги ерлар	2,1
Ўзумзорлар	-	Йўллар, уватлар	3,4
Тутзорлар	-	Қурилиш билан банд ерлар	0,2
Пичанзорлар	-	Бошқа ерлар	-
Бўз ерлари	-	Мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар	-
Яйлов ерлари	-	Қишлоқ хўжалигида фойдаланила диган бошқа ерлар	-

Манба: Андижон туманидаги Кадастр бўлимининг маълумотларидан.

Ижарага берилган суғориладиган ерларнинг таснифи:

Сув билан таъминланганлиги – 100 фоиз,

Суғориб келинаётган муддати - эски суғорилади.

Маданийлаштирилганлиги – ўртача.

Ерозияга учраганлик даражаси – ўртача.

Тошлоқлик даражаси – йўқ.

Шўрлашган даражаси – шўрлашмаган.

Сизот сувларининг жойланиши – 5-6 метр.

Тупроқ банитетининг ўртача ўлчам бали 50 балл.

Ер участкасининг кучсизлиги – йўқ.

Сервитутлар – йўқ.

Хўжаликни асосий ишлаб чиқариш инфратузилмалардан ўзоқ жойлашганлиги транспорт харажатларини ва техникаларга техник хизмат кўрсатишни ортиб кетишига олиб келмоқда.

Андижон туманидаги “Нодирбек миришкор” фермер хўжалиги Ғарб томонидан “Бўрибой хосилдор” фермер хўжалиги, Шимол томонидан Авазбек фермер хўжалигини экин ери билан, Шарқ томондан “Сулаймон хамкор” фермер хўжалигини экин майдонлари билан чегарадош хисобланади.

“Нодир миришкор” фермер хўжалигига узоқ муддатга фойдаланиш учун берилган ер участкалари сув билан таъминланган, эскитдан суғориб келинадиган, ўртача маданийлаштирилган, ўртача эрозияга учраган, сизот сувлари 5-6 метр чуқурликда жойлашган, тупроқ банитети 50 баллга тенг бўлган сервитутлари йўқ ерлар таркибидан иборат.

“Нодир миришкор” фермер хўжалигига 6 та контурдан иборат бўлган 69 гектар ерни узоқ муддатга фойдаланиш учун давлат томонидан ижарага берилган.

“Нодир миришкор” фермер хўжалиги 22.06.2011 й. № 382-к сонли **Андижон** туманини ер ажратиш бўйича қабул қилинган қарори билан ва

2011 йил 12 январдаги Андижон вилоят ҳокимлигини № 24-к сонли қарори билан қайта ташкил этилган.

2-жадвал

Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигини ижарага олган ер участкаларини контурлар бўйича тақсимоти.

Контур тартиб рақами	Умумий ер майдони	Шундан						Бонитет бали
		Экин ери	Тутзор	Арик зовур	Йўл лар	Иморат остида	Бошқа ерлар	
262	12,9	12,0	-	0,3	0,6	-	-	50
263	13,4	12,4	-	0,4	0,6	-	-	50
264	12,0	11,0	-	0,4	0,6	-	-	50
265	12,2	11,2	-	0,4	0,6	-	-	50
266	12,0	11,1	-	0,3	0,6	-	-	50
267	6,5	-	5,6	0,3	0,4	0,2	-	50
6та	69	57,7	5,6	2,1	3,4	0,2	-	50

Манба: Андижон туманидаги Кадастр бўлими маълумотларига асосан.

Ажратилган ер участкаларни 5,6 гектари тут плантация, 2,1 гектари арик ва зовурлар, 3,4 гектари йўллар, 0,2 гектари иморат ва 57,7 гектари ёки 83,6 фоизи экин майдони кўринишида фойдаланиб келинган. Хўжаликни экин майдонини 31,1 гектарига пахта экини ва 26,6 гектарига буғдой экини экиб келган.

Хўжаликни ер учаскалари 6 та контурдан иборат бўлиб, тупроқ унумдорлиги 50 балга тенг.

Хўжаликни экин майдонининг ҳажми ва контурлар сони, техника воситаларидан, меҳнат ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда янги технологияларни жорий этиш имкониятларини яратиб беради. Хўжаликни ер участкаларини ўртача ҳажми 9,6 гектарни ташкил этди. Ер участкаларини ҳар 40-50 метрда ўқ-ариклар тортилган. Дала узунлиги 200-300 метрни иборат ер участкаларни бу жиҳатлари суғориш карталарига кўйилган талабларга тўла жавоб беради.

Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжаликни тупроқлари типик бўз тупроқдан иборат бўлиб, тупроқда 1,6-1,8 фоизгача

чиринди ва 0,1-0,2 фоизгача азот борлиги билан характерланади. Тупрокдаги чиринди микдори ўртача.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида ер участкасидан фойдаланиш ҳолати ҳам юқори даражада бўлиб йилдан-йилга пахта ва буғдой ҳосилдорлиги ортиб бормокда.

Экинлардан юқори ҳосил олиш учун минерал ўғитлардан фойдаланиш зарур. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир гектар ҳисобига соф ҳолида азотли ўғитни 160-200 кг/га, фосфорли ўғити 170-190 кг/га, калий ўғитни 70-95 кг/га ва органик ўғит солиш меъёри 15-20 тонна/га ташкил этади.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган. Хўжалик ўз фаолиятини узоқ ва қисқа муддатга олган кредит ҳисобига олиб бормокда. Қисқа ва узоқ муддатли кредитларни йиллик даромад ҳисобига ёпиб келмокда. Хўжалик ўртача рентабеллик даражасига эга.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалиги 2014 йили 2452 минг сўмлик дебиторлик ва 3109 минг сўмлик кредиторлик қарзлар билан якунлади.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалиги 2014 йили жами 137766 минг сўмлик харажат сарфлаб, 161813 минг сўмлик ялпи маҳсулот ва 24047 минг сўмлик фойда олишга ва 17,4 фоизли рентабелликка эришган.

Хўжаликни уч йиллик фаолияти ичида олган даромади 28162 минг сўмга ёки 121,1 фоизга, сарфланган харажат 23646 минг сўмга ёки 120,7 фоизга ва фойда олиш 3022 минг сўмга ёки 123,1 фоизга кўпайган.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида 2014 йили жами 42 аъзо бўлиб, шундан 1 нафари доимий ва 41 таси шартнома асосида ишлаётган аъзолар бўлиб, ишлаб чиқариш бўйича иш тажрибалари талаб даражасида, лекин уларни касбий тайёргарлиги ва маълумоти тўғрисида бундай хулосага келиш мумкин эмас.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришдан олинган фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллигини ўзгариши.

т/р	Йиллар	Пул даромади, минг сўм	Жами ҳаражат, минг сўм	Фойда, минг сўм	Рентабеллик, %
1	2012	133651	114120	19529	17,1
2	2013	148530	126604	21926	17,3
3	2014	161813	137766	24047	17,4

Манба: Андижон туманидаги “Нодир миришкор” нияти” фермер хўжалик маълумотлари..

Хўжалик аъзолари ичида 2 таси олий, 9 таси махсус ўрта ва 31 таси ўрта маълумотга эга. Хўжалик аъзолардан 10 таси эркакларни ва 32 таси аёлларни ташкил этади. Хўжалик аъзолари ичида турли касб эгалари мавжуд, ўлар ичида бухгалтер, механизатор, чевар, хамшира, тарбиячи ва бир қанча бошқа касб эгалари мавжуд. Хўжалик аъзоларини ўртача ёши 36 ёшга тенг.

Хўжаликни доимий ходимларидан ташқари, барчаси 1 йиллик меҳнат шартномасига асосан фаолият кўрсатишиб келмоқда. Фермер хўжалигида фаолият кўрсатиб келаётган ходимларнинг 26 фоизи олий ва ўрта махсус маълумотлиларни ва 74 фоизи умумий ўрта маълумотлиларни ташкил этади.

Юқоридаги келтирилган маълумотлар фермер хўжалиги таркибини ҳали талаб даражасидан анча паст эканлигини асослайди. Шунинг учун хўжалик раҳбарияти ишчиларни касбий тайёргарликка ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган ходимлар ҳиссасини кескин ошириш чора-тадбирларини кўриши лозим.

Мавжуд аъзоларни 25 таси пахта етиштиришда, 6 таси буғдой етиштиришда фаолият кўрсатиб келишмоқда. Бундан ташқари хўжаликда 1 та бошлиқ, 2 та тракторчи, 6 та сувчи ва 3 таси бошқа ишларда ишлаб келмоқда. Пахта-ғалла етиштиришда фаолият кўрсатиб келувчи аъзоларга экин майдони ажратиб берилган ва улар гектарчи кўринишда ишлаб келмоқда.

**Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигининг аъзолари
ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумот**

т/р	Аъзоларнинг исми ва шарифи	Туғилган йили	Маълумоти	Касби	Иш стажи	Бошлиққа аълокаси
1	Юлдашев Н	1982	олий	ф/х бош.	10	Ўзи
2	Юлдашева О	1984	олий	хисобчи	8	Синглиси
3	Юлдашев Р	1962	м/ўрта	кораул	28	Маҳ-дош
4	Юлдашев П	1970	м/ўрта	тракторчи	22	Маҳ-дош
5	Валиев абов Р	1971	м/ўрта	тракторчи	21	Маҳ-дош
6	Ганиев С	1971	м/ўрта	сувчи	21	Маҳ-дош
7	Латипов Р	1974	м/ўрта	сувчи	19	Маҳ-дош
8	Даминов С	1975	м/ўрта	сувчи	18	Маҳ-дош
9	Бахоамов П	1976	м/ўрта	сувчи	17	Маҳ-дош
10	Жамолдинов Д	1977	м/ўрта	сувчи	16	Маҳ-дош
11	Исаков А	1972	м/ўрта	сувчи	20	Маҳ-дош
12	Латипова Д	1972	ўрта	гектарчи	20	Маҳ-дош
13	Валиева К	1970	ўрта	гектарчи	22	Маҳ-дош
14	Норматова В	1969	ўрта	гектарчи	23	Маҳ-дош
15	Фозилова Г	1965	ўрта	гектарчи	27	Маҳ-дош
16	Ганиева О	1974	ўрта	гектарчи	19	Маҳ-дош
17	Парпиева Л	1974	ўрта	гектарчи	19	Маҳ-дош
18	Акрамова И	1976	ўрта	гектарчи	17	Маҳ-дош
19	Шерматова Ш	1965	ўрта	гектарчи	27	Маҳ-дош
20	Гуламова З	1974	ўрта	гектарчи	19	Маҳ-дош
21	Зарипова В	1974	ўрта	гектарчи	19	Маҳ-дош
22	Усманова Р	1976	ўрта	гектарчи	17	Маҳ-дош
23	Шокирова В	1965	ўрта	гектарчи	27	Маҳ-дош
24	Алиева М	1974	ўрта	гектарчи	19	Маҳ-дош
25	Расулова Л	1974	ўрта	гектарчи	19	Маҳ-дош
26	Усманова Х	1976	ўрта	гектарчи	17	Маҳ-дош
27	Ортикова С	1976	ўрта	гектарчи	17	Маҳ-дош
28	Икрамова А	1970	ўрта	гектарчи	22	Маҳ-дош
29	Халилова О	1971	ўрта	гектарчи	21	Маҳ-дош
30	Жамолдинова К	1971	ўрта	гектарчи	21	Маҳ-дош
31	Шокирова А	1973	ўрта	гектарчи	19	Маҳ-дош
32	Ахмедова Л	1976	ўрта	гектарчи	17	Маҳ-дош
33	Иминова П	1976	ўрта	гектарчи	17	Маҳ-дош
34	Бегалиева Д	1977	ўрта	гектарчи	16	Маҳ-дош
35	Маъкамова В	1978	ўрта	гектарчи	15	Маҳ-дош
36	Ўлмасова Ё	1978	ўрта	гектарчи	15	Маҳ-дош
42	Махмудова Л	1975	ўрта	гектарчи	18	Маҳ-дош

Мавсумда механизаторларга ва сувчиларга ҳар ойда 250-230 минг сўмдан, гектарчиларга 200 минг сўмдан иш ҳақи тўлаб борилади. Иш ҳақи нақд пул ва маҳсулот кўринишида тўланади. Бундан ташқари фермер хўжалиги томонидан ишчиларга буғдой сомони, ғўзапоя берилади ва буғдойдан бўшаган майдонларда бирор бир экин экиб олиш учун ер ажратиб берилади. Фермер хўжалик фаолиятини хўжалик раҳбари орқали бошқариб борилади.

Фермер хўжалиги раҳбари **Юлдашев Нодирбек** 1982 йилда **Андижон** шаҳар Чулпон шох кучасида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти Олий, **Андижон** муҳандислик иқтисодиёт институтини 2004 йилли тамомлаган, иқтисодчи мутахассислигига эга.

Юлдашев Нодирбек 10 йиллик иш стажига эга бўлган мутахассис бўлиб, ўз касби бўйича тажрибали иқтисодчи, **Андижон** тумани солиқ инспекциясида инспектор лавозимларида ишлаб келган, маълумоти олий, 2004 йил **Андижон** муҳандислик иқтисодиёт институтини иқтисодчи мутахассислигини тамомлаган. **Юлдашев Нодирбекни** иш тажрибаси фермер хўжалигини бошқаришда, ишни ташкил этишда ва аъзоларни бошқаришда кўл келмоқда.

Юлдашев Нодирбекни 2006 йилдан бошлаб фермер хўжалиги бошлиғи вазифасини бажариб келмоқда. Жами иш стажини 10 йил бўлиб, қишлоқ хўжалигида 10 йилдан буён ишлайди.

Юлдашев Нодирбек **Андижон** туманидаги “**Нодир миришкор**” фермер хўжалигини аризага ҳамда тендир натижасига асосан ташкил этган.

Фермер хўжалиги **Андижон** туманининг Микрорекредит банкида ҳисоб рақамини очган, банк х/р 20208000804449503001, МФО 00063, солиқ тўловчининг ИНН 205983066 билан ўзини ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириб келмоқда.

Андижон туманидаги “**Нодир миришкор**” фермер хўжалиги “**Ўзбекистон**” СИУсига аъзо бўлган. “**Ўзбекистон**” СИУси хўжаликни деҳқончилик ишларини олиб боришда Фарғона Катта Канали тизимига

қарашли Савай сув иншоатидан фойдаланиб экинларни оқава сув билан таъминлаб беради.

Хўжаликда 1 гектар пахта майдони учун 1300 м/куб ва буғдой учун 800 м/куб сув сарфлаган.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалиги «Фермер хўжаликлар тўғрисида»ги қонунга, туман ҳокимлигининг қарорига, туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган Низомга, Бизнес режага ҳамда туман ҳокимлигининг «Кадастр» бўлими томонидан берилган далолатномага асосан ташкил этилган. Хўжалик фаолияти давлат томонидан чиқарилган қонунларга, қарорларга, фармонларига ва тегишли меъёрий ҳужжатларга асосан амалга ошириб келмоқда.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигининг Низом фонди 26780 минг сўмни ташкил қилади. Фермер хўжалиги ўзига қарашли хўжалик иморатлари, ишлаб чиқариш воситалари, экинзорлари, пул маблағлари ва бошқа мулкларини эгаси ҳисобланади. Фермер хўжалигини пул даромади маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш, қимматли қоғозлардан олинган дивидент ҳисобига шаклланади.

Олган пул даромаддан ҳаражатларни қоплаш, иш ҳақи тўлаш, турли ажратмаларни ажратиш, кредит ва устамаларни тўлаш, янги техника ва технологияларни ҳарид қилишга ишлатади.

Хўжалик ўзини иқтисодий муносабатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамсининг 4 сентябр 2003 йилдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштиришнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарорига мувофиқ олиб бормоқда. Ушбу қарорга мувофиқ хўжалик давлат буюртмаси бўйича пахта, ғалла ва пилла сотиш қонтракция шартномасини тузган.

Бундан ташқари Андижон туманининг МТП ОАЖ ташкилоти билан қишлоқ хўжалик ишларини механизация воситалари билан бажариб бериш, «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖ туман шаҳобчаси билан хўжалик экинларини ўғитлашда минерал ўғитларни етказиб бериш, туман нефти базасига қарашли

ёнилғи-мойлаш материалларини тарқатувчи шахобча орқали хўжаликда қишлоқ хўжалик экинларни етиштиришда бажариладиган механизация ишларини ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш, хўжалик экинларини хашорат ва зарар кунандалардан ҳимоя қилиш бўйича биолобаратория билан, экинларга сув етказиб бериш бўйича массивдаги СФУ билан шартномалар имзолади.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалиги танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи юридик субъект ҳисобланади.

Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомини олган ва ўз номидан шартномалар тузиш, мулкый жавобгарликни ўз зиммасига олган.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигини моддий техника базаси ўртача таъминотга эга.

Асосий воситаларни 12 млн сўми ёки 17,0 фоизи шийпонни хиссасига, 39,0 млн сўми ёки 55,3 фоизи тракторлар хиссасига ва 19,5 млн сўми ёки 27,6 фоизи қишлоқ хўжалик тиркалма воситалар хиссасига тўғри келади.

5-жадвал

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигининг асосий воситалари ҳақида маълумот

т/р	Воситалар тури	Микдор	Маркаси	Сотиб олинган йили	Баланс қиймати, млн. сўм	Сотиб олиш усули
1.	Шийпон	1	Оддий	2004	12.0	Ўз маблағ
2.	Тракторлар	1	ТТЗ-80.11	2005	31.0	Лизинг
3.	Трактор	1	МТЗ-80	2006	8,0	Ўз мабл
3.	Культиватор	1	КРХ-4	2005	4.3	Кредит
4.	Барана	1	БР-3	2008	3.2	Ўз мабл
5.	Сеялка	1	СЭ-5	2009	4.2	Лизинг
6.	Тр. прицеппи	2	2ПТС	2010	6.0	Ўз мабл
7.	Чизел	1	ЧВ-2	2008	1.8	Ўз мабл
	Жами	9	Х	х	70.5	Х

Манба: **Андижон туманидаги “Нодир миришкор”** фермер хўжалик маълумотлари.

Бир гектар экин майдони ҳисобига 1222 минг сўмдан асосий воситалар қиймати тўғри келган, шундан 208 минг сўмлик бинолар қиймати, 675 минг сўмлик тракторлар қиймати ва 478 минг сўмлик тиркалма воситалар қиймати тўғри келмоқда.

Фермер хўжалиги 2005 йили ТТЗ-80х11 маркали тракторни 31,0 млн сўмга ва 4,2 млн сўмлик чигит сеялкасини лизингга ҳамда 2005 йили 4,3 млн сўмга культиваторни кредитга сотиб олган ва ҳозирги кунга келиб тўлиғича тўловини тўлаб бўлди. Шу билан биргаликда шийпон, барана, трактор прицеппи ва чизел мосламаси ўз маблағи ҳисобига сотиб олинган.

Барча техникалар ва қишлоқ хўжалик машиналар техник жиҳатдан созилиги талаб даражасида бўлиб мунтазам техник кўриклардан ўтказилиб турилади.

Хўжаликда асосий воситалар етарли эмас, келгусида хўжалик раҳбари 1 та самон присловгич, 1 та ўғитловгич ва 1 та пурковгич сотиб олмақчи. Бундан ташқари фермер хўжалиги туман МТП билан шартнома тузиб техникалардан фойдаланади. Юқорида келтирилган маълумотлар «Нодир миришкор» фермер хўжалиги тумандаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган, ўрта ва молиявий ҳолати нисбатан олинганда барқарор бўлган хўжалик эканлигини тўла асослайди.

2.2. Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган буғдой сифатини оширишни ҳозирги ҳолати ва таҳлили.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини юритиш билан боғлиқ жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида фермер хўжалигини мамлакатимиз иқтисодиётидаги тутган ўрни тобора мустахкамланиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги - мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Ушбу тармоқ ҳисобига юртимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хом ашёга бўлган талабини қондирилади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизнинг истеъмол бозорига озиқ - овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хом ашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати, нефтни қайта ишлаш каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳномалигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техникаларни ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капитал ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Аграр тармоқда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда.

Ўтган 2012-2014 йиллари Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалиги буғдой етиштириш жараёнини ташкил этишда асосий воситалардан, айланма воситаларда ва инсон меҳнатидан кенг ва унумли фойдаланишга ҳаракат қилиб келди. Ушбу жараённи амалга оширишда

ишлаб чиқариш воситаларни мутаносиблигига эътибор берилди ҳамда янги технологиялардан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилди.

Хўжаликни жойланиши, ишлаб чиқариш воситаларни ҳолати, хўжаликни имконияти, экин майдонларни миқдори, воситаларни қуввати - маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига, муддатига, ишни сифатига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин.

Ушбу натижаларга эришишда **Андижон туманидаги “Нодир миришкор”** фермер хўжалиги ҳам ўзига хос ҳисса қўшиб келди.

6 -жадвал

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигининг экин майдони ва унинг таркиби.

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч бирли ги	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014 йил 2012 йилга нисбатан	
						+, -	%
1	Жами экин майдони	га	57,7	57,7	57,7	-	100,0
2	Пахта майдони	га	29,7	30,0	31,1	+1,4	104,7
	-салмоги	%	51,5	52,0	53,9	+2,4	-
	-ҳосилдорлик	ц/га	31,9	32,1	32,6	+0,7	102,2
	-ялпи ҳосил	ц	925	963	1014	+89	109,6
3	Бугдой майдони	га	28	27,7	26,6	-1,4	95,0
	-салмоги	%	48,5	48	46,1	-2,4	-
	-ҳосилдорлик	ц/га	58,8	59,6	60,9	+8,1	113,7
	-ялпи ҳосил	ц	1646	1651	1620	-26	98,4
4	Ходимлар сони	нафар	42	42	42	-	100
	Шундан-пахтада	нафар	25	25	25	-	100,0
	-бугдойда	нафар	6	6	6	-	100,0
	-бошқада	нафар	11	11	11	-	100,0
5	Ер бонитет бали	балл	50	50	50	-	-

Манба: Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалик маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда фермер хўжалигини экин майдони ўзгармаган. Уч йил ичида фермер хўжалигини экин майдони 57,7 гектарни ташкил этиб келган.

2014 йили мавжуд экин майдонини 31,1 гектарига пахта ва 26,6 гектарига бугдой экинини экиб келган. 2014 йили хўжаликни пахта экин майдони жами экин майдонига нисбатан 53,9 фоизни, бугдой майдони 46,1 фоизни ташкил қилган. Охириги уч йилда хўжаликни жами экин майдони

ўзгармаган, аммо пахта экин майдони 1,4 гектарга кўпайган ва буғдой экин майдони 1,4 гектарга камайган. Хўжаликни пахта ҳосилдорлиги +0,7 центнерга кўпайган ёки 102,2 фоизни ташкил этган ва 32,6 центнерга етди, буғдой ҳосилдорлиги шу давр ичида +8.1 центнерга кўпайган ва 60,9 центнер етган ёки 113,7 фоизни ташкил этган.

Буғдой экинидан олинган ялпи ҳосил уч йил ичида 26 центнерга ёки 1,6 фоизга камайган, пахтани ялпи ҳосили эса уч йил ичида +89 центнерга ёки 9,6 фоизга кўпайган. Хўжаликни аъзолари ва уларни экинлар бўйича миқдори уч йил ичида ўзгармаган ҳолда қолган.

Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини кўриб чиқадиган бўлсак қўйдаги маълумотларга эга бўламиз.

7 -жадвал

Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирли- ги	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014й.да 2012 й.га нисбатан, %
1	Жами экин майдони	га	57,7	57,7	57,7	100,0
2	Асосий воситалар	млн сўм	70,5	70,5	70,5	100,0
2	Жами ходимлар сони	нафар	42	42	42	100,0
3	Жами и/ч харажати	м.сўм	114122	126604	137766	120,7
	Шундан-иш ҳақи	м.сўм	19424	21836	24571	126,5
4	Ялпи маҳсулот	м.сўм	133651	148530	161813	121,1
5	Фойда	м.сўм	19529	21926	24047	123,1
6	Бир гектар ҳисобига:					
	-харажат	м.сўм	1978	2194	2387	120,7
	-ялпи маҳсулот	м.сўм	2316	2574	2804	121,1
	-фойда	м.сўм	338	380	416	123,1
7	Бир ходим ҳисобига:					
	-экин майдони	га	1,37	1,37	1,37	100,0
	-иш ҳақи	м.сўм	462	520	584	126,4
	-ялпи маҳсулот	м.сўм	3182	3536	3853	121,1
	-фойда	м.сўм	465	522	572	123,0
8	Рентабеллик	%	17,1	17,3	17,4	+0,3

Манба: **Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалик маълумотлари.**

Уч йил ичида фермер хўжалигининг жами экин майдони, асосий воситаларининг қиймати ва аъзолар сони ўзгармади, жами ишлаб чиқариш харажатлари 23644 минг сўмга, шундан иш ҳақи 5147 минг сўмга, ялпи маҳсулот қиймати 28162 минг сўмга ва фойда 4518 минг сўмга кўпайган.

Бир гектар ҳисобига тўғри келган техник воситалар қиймати 1222 минг сўмни ташкил этиб уч йил ичида ўзгармаган, хўжаликни ишлаб чиқариш харажатлари 409 минг сўмга, ялпи маҳсулот қиймати 488 минг сўмга, фойда олиш 78 минг сўмга кўпайган. Уч йил ичида бир ходим ҳисобига тўғри келган экин майдони ва техник воситалар қиймати ўзгармаган ҳолда қолган бўлса, иш ҳақи 122 минг сўмга, ялпи маҳсулот қиймати 671 минг сўмга ва фойда олиш 107 минг сўмга кўпайганлигини кўриб олишимиз мумкин.

Хўжаликда техник воситалардан фойдаланиш кўрсаткичларини кўриб чиқадиган бўлсак қуйдагиларни кўриб оламиз. Уч йил ичида фондлар билан таъминланиш ва фондлар билан куролланиш ўзгармади. Бу кўрсаткични ўзгармай қолишига бевосита экин майдони ва асосий воситалар қийматини ўзгармаганлиги таъсир кўрсатди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлиги маълум даражада яхшиланган. Буни биз самарадорликни якунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан яққол кўришимиз мумкин. 2014 йилда 2012 йилга нисбатан хўжаликни рентабеллик даражаси +0,3 даражага ортган ёки 17,1 фоиздан 17,4 фоизга етган.

Хўжаликни эришган рентабеллик даражаси оптимал даражадан анча паст. Оптимал рентабеллик пахта - ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари учун камида 35-40 фоизни ташкил этиш керак. Рентабелликни ошириш учун маҳсулот миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, маҳсулот таннархни пасайтириш ва даромадларни ошириш ҳисобига эришиш мумкин. Шундагина фермер хўжалиги ўз даромадлари билан келгуси йил фаолиятини белгиланган суръатларда амалга ошириш имкониятларига эга бўлади.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалиги 2014 йили мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш натижасида ҳамда белгиланган агротехник ишларни ўз вақтида бажариб 26,6 гектар буғдой экин майдонини ҳар гектаридан 60,9 центнердан ҳосил олиб ялпи ҳосилни 1620 центерга етказди. Юқоридаги ялпи ҳосилни етиштириш учун “Нодир миришкор” фермер хўжалиги бир неча йилдан бери буғдойни «Дурдона» навини экиб келмоқда.

Хўжаликда “Дурдона” навини етиштириш учун ҳар йили агротехник карта тузилиб унга амал қилиб келинмоқда. Хўжалик 26,6 гектар буғдой майдонидан мўл-кўл ҳосил олиш учун органик ўғит жамғариш, далага органик ўғит ташиш, органик ўғит солиш, минерал ўғит юклаш, ташиш, солиш, шудгорлаш, дискалаш, чизеллаш, илдиз ўтини териш, уруғлик юклаш, ташиш, экиш, ўқ-ариқ олиш, ўташ, зараркунандаларга қарши кимёвий кураш, суғориш, ҳосилни ўриб олиш, ташиш ва ҳосилни қўриқлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган агротехник тадбирлар қўл кучи ёки механизация воситалари ёрдамида бажарилган. Ҳар бир агротехник тадбирларни режалаштиришда ва бажаришда хўжаликни имкониятлари ва табиий омиллар инобатга олган ҳолда бажарилган.

Давлатимизда ғалла асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўлганлиги учун дон етиштиришни кескин кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Дончилик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг муҳим тармоқларидан биридир. Ўшбу тармоқ аҳолини нон ва нон маҳсулотларига, чорвачилик тармоқларини омухта озиқаларга бўлган талабини тўла қондириш имконига эга бўлган тармоқ бўлганлиги учун дон ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ва бу соҳани биринчи даражали вазифага айлантиришга сабаб бўлди.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалиги томонидан буғдой етиштириш учун сарфланган хомашё матариалларни кўриб чиқамиз.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида 2012-2014 йиллар ичида буғдой етиштириш учун сарфланган хомашёлар.

Т/р	Материаллар	2011 йил		2012 йил		2013 йил	
		Микдор (тонна)	Қиймат (м сўм)	Микдор (тонна)	Қиймат (м сўм)	Микдор (тонна)	Қиймат (м сўм)
	Буғдой						
1.	Уруғлик	7,0	3626	6,9	3765	6,6	4082
2.	Мин.ўғит	27	11623	28	13100	29	13941
3.	Ёнилғи	3,1	5812	3,3	6550	3,0	7025

2012 йили бир гектар буғдой майдонида ўртача:

- 250 кг уруғлик, 400 кг минерал ўғит, 112 кг ёнилғи сарфлади.

2013 йили бир гектар буғдой майдонида ўртача:

- 250 кг уруғлик, 498 кг минерал ўғит, 120 л ёнилғи сарфлади.

2014 йили бир гектар буғдой майдонида ўртача:

- 250 кг уруғлик, 594 кг минерал ўғит, 129 л ёнилғи сарфлади.

Хўжаликда буғдой етиштириш учун ажратилган экин майдони уч йил ичида 1,4 гектарга ёки 5,0 фоизга камайган, буғдой хосилдорлиги 2,1 центнерга ёки 3,6 фоизга кўпайган, ялпи хосил эса 26 центнерга ёки 1,6 фоизга камайган. Шу билан биргаликда, буғдой етиштириш учун сарфланган жами харажат 8052 минг сўмга ёки 17,1 фоизга, шундан иш ҳақи 1432 минг сўмга ёки 24,6 фоизга орган, ялпи маҳсулот қиймати 10963 минг сўмга ёки 17,7 фоизга, фойда олиш 3001 минг сўмга ёки 14,6 фоизга кўпайганини кўриб олишимиз мумкин, 1 центнер буғдой таннари уч йил ичида 5368 минг сўмга ёки 19,0 фоизга, 1 центнер буғдойни сотиш баҳоси эса 7370 минг сўмга ёки 19,6 фоизга ортганлигини кўриб олишимиз мумкин.

Хўжаликда буғдой етиштиришни бир гектар ҳисобига тўғри келган кўрсаткичларни кўриб чиқадиган бўлсак, бунда бир гектар ҳисобига сарфланган харажатлар уч йил ичида 306 минг сўмга кўпайган ёки харажатлар 18,4 фоизга кўпайганлигини, ялпи маҳсулот қиймати 419 минг сўмга ёки 19,0 фоизга ва фойда олиш 114 минг сўмга ёки 20,9 фоизга ортганлигини кўриб олишимиз мумкин.

Андижон туманидаги **“Нодир миришқор”** фермер хўжалигида буғдой
етиштириш иқтисодий кўрсаткичлари

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2012 йили 2014 йилга нисбатан, %
1	Экин майдони	га	28	27,7	26,6	95,0
2	Хосилдорлик	ц/га	58,8	59,6	60,9	103,6
3	Ялпи хосил	ц	1646	1651	1620	98,4
4	Жами и/ч хар-ари	м.сўм	46494	51577	54456	117,1
	Шундан – иш ҳақи	м.сўм	5811	6756	7243	124,6
5	Ходимлар сони	нафар	6	6	6	100,0
6	Ялпи маҳсулот	м.сўм	61791	68701	72754	117,7
7	Фойда	м.сўм	15297	17124	18298	114,6
8	1ц буғдой тан-рхи	м.сўм	28247	31240	33615	119,0
9	1ц буғдой бахоси	м.сўм	37540	41612	44910	119,6
10	Бир гектар ҳисобига:					
	-харажат	м.сўм	1660	1862	1966	118,4
	-ялпи маҳсулот	м.сўм	2207	2480	2626	119,0
	-фойда	м.сўм	546	618	660	120,9
11	Бир ходим ҳисобига:					
	-экин майдони	га	4,67	4,67	4,67	100,0
	-иш ҳақи	м.сўм	968	1126	1207	124,7
	-ялпи маҳсулот	м.сўм	10298	11450	12126	117,7
	-фойда	м.сўм	2549	2854	2854	112,0
12	Рентабеллик	%	32,9	33,2	33,6	+0,7

Хўжаликда бир ходим ҳисобига тўғри келган кўрсаткичларни кўриб чиқадиган бўлсак, бунда бир ходим ҳисобига тўғри келган экин майдони ўзгармаганлигини, бир гектар ҳисобига сарфланган иш ҳақи 239 минг сўмга ёки 24,7 фоизга кўпайганлигини, ялпи маҳсулот қиймати 1828 минг сўмга ёки 17,7 фоизга ва фойда олиш 305 минг сўмга ёки 12,0 фоизга ортганлигини кўриб олишимиз мумкин.

Андижон туманидаги **“Нодир миришқор”** фермер хўжалигида буғдой етиштириш харажатлари ва уларни таркиби кўриб чиқадиган бўлсак қуйидаги маълумотларга эга бўламиз. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги 3 йилда фермер хўжалигида буғдой етиштириш бўйича

сарфланган барча харажат турларини кўпайиши билан бир қаторда уларни таркибида ҳам кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан моддий харажатлар 5504 минг сўмга ёки 16,6 фоизга, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари 1431 минг сўмга ёки 24,6 фоизга, ижтимоий ажратмалар 359 минг сўмга ёки 17,2 фоизга, асосий воситалар ва номаддий активларни эскириши 334 минг сўмга ёки 17,1 фоизга ҳамда бошқа харажатлар киймат 334 минг сўмга ёки 9,4 фоизга кўпайганлигини кўриб олишимиз мумкин. Бу салбий ҳолат бўлиб ҳисобланади.

10-жадвал

Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигида буғдой етиштириш харажатлари ва уларни таркиби (м сўм)

т/ р	Харажат тури	2012 йил		2013 йил		2014 йил	
		Қий- мати	Сал- моги	Қий- мати	Сал- моги	Қий- мати	Сал- моги
1	Мод. харажатлар	33103	71,2	36464	70,7	38607	70,9
	-уруғлик	3626	7,8	3765	7,3	4082	7,5
	-ўғитлар	11623	25,0	13100	25,4	13941	25,6
	-ёнилги	5812	12,5	6550	12,7	7025	12,9
	-иш ва хизматлар	10368	22,3	11295	21,9	11817	21,7
	-бошқа мод.хар.	1674	3,6	1754	3,4	1742	3,2
2	Иш ҳақи хар-лари	5812	12,5	67546	13,1	7243	13,3
3	Ижт.ажратмалар	2092	4,5	2321	4,5	2451	4,5
4	Амортизация	1953	4,2	2166	4,2	2287	4,2
5	Бошқа харажат-р	3534	7,6	3868	7,5	3868	7,1
	Жами	46494	100,0	51577	100,0	54456	100,0

Моддий харажатлар ичида уруғлик материаллар сарфи уч йил ичида 456 минг сўмга ёки 12,6 фоизга, ўғит сарфи 2318 минг сўмга ёки 19.9 фоизга, ёнилги мойлаш амтериаллари 1213 минг сўмга ёки 20,9 фоизга, иш ва хизматлар 1449 минг сўмга ёки 14,0 фоизга ҳамда бошқа моддий харажатлар 68 минг сўмга ёки 4,1 фоизга кўпайганлигини кўриб олишимиз мумкин.

Андижон туманидаги “**Нодир миришқор**” фермер хўжалигида етиштирилган буғдойни сотишни сифати бўйича тахсимооти.

т/р	Йил лар	Етиш тирил ди (ц)	Сотилди (ц)						Аъзо ларга (ц)	Бозор да (ц)
			Давлатга (ц)							
1.	Навларни синфлари		Жами	1-синиф миқ / %	2- синиф миқ / %	3- синиф миқ / %	4- синиф миқ / %	5- синиф миқ / %		
2.	Навни ёпишқоқлик даражаси.			32	26	23	18	-		
3.	2012	1646	1120	717/64	329/20	-	74/16	-	300	226
4.	2013	1651	1108	720/65	210/19	44 /4	134/12	-	300	243
5.	2014	1620	1064	734/69	192/18	85/8	53/5	-	300	256

Манба: **Андижон** туманидаги “**Нодир миришқор**” фермер хўжалигини маълумотларига асосан.

Жадвал маълумотларидан ўриниб турибдики хўжаликда етиштирилган буғдой сифати йилдан-йилга ортмоқда. Етиштирилган буғдойни давлатга сотиш салмоғи 2012 йилли 68,0 фоизни, 2013 йилли 67,1 фоизни ва 2014 йилли 65,7 фоизни ташкил этмоқда. Давлатга сотилган буғдойнинг камайиши бевосита экилган экин майдонларига мутаносиб равишда боғлиқ бўлганлиги учун камаймоқда. Уч йил ичида экилган буғдой экини 5 фоизга ва давлатга сотилган буғдой миқдори 1,6 фоизга камайганлигини кўриб олишимиз мумкин. 2013 йили 2012 йилга нисбатан, давлатга сотилган буғдой 12 центнерга ва 2014 йилли 2013 йилга нисбатан 44 центнерга камайганлигини кўриб олишимиз мумкин.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида буғдой етиштириш сифатини куйдаги жадвалга асосан кўриб олишимиз мумкин.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалиги бир неча йилдан бери буғдойни “Дурдона” навини экиб келмоқда. Хўжалик буғдойни, ғўзани қатор орасига экиб юқори ҳосил олишга эришмоқда. Хўжалик буғдой етиштириш бўйича белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва белгиланган миқдорда амалга ошириб келмоқда.

12– жадвал

Андижон туманидаги «Нодир миришкор» фермер хўжалигида етиштирилган буғдойни сотишдаги сифат кўрсаткичлари бўйича йўқатишлар.

т/р	Йиллар	Юк хати сони	Брутто вазни (кг)	Ушланган вазин (кг)	Зачёт вазни (кг)
1.	2012	52	117872	5872	112000
2.	2013	46	116197	5397	110800
3.	2014	39	111433	5033	106400

Андижон туманидаги «Нодир миришкор» фермер хўжалигида етиштирилган буғдойни сифати талаб даражада бўлмаганлиги учун давлат дон қабул қилиш омборларига 2012 йили 117872 кг дон жўнатилиб, шундан 112000 кг ҳисобга олинди, 2013 йили 116197 кг дон жўнатилиб, шундан 110800 кг ҳисобга олинди, 2014 йили 111433 кг дон жўнатилиб, шундан 106400 кг ҳисобга олинди.

Андижон туманидаги «Нодир миришкор» фермер хўжалигида етиштирилган буғдойни бошлангич қайта ишлаш ишлари йўлга қўйилмаганлиги учун яъни бурдан, чоридан, сомондан тозаланмаганлиги ҳамда куритмаганлиги учун 2012 йилли 5872 кг, 2013 йилли 5397 кг ва 2014 йили 5033 кг буғдой ҳисобга олинмаган. Бу албатда салбий ҳолат, келгусида буни олдини олиш чоралари кўрилиш керак.

Андижон туманидаги «Нодир миришқор» фермер хўжалигини 2014 йилдаги
буғдой сотиш бўйича тузилган далолатномасининг кўрсаткичлари.

т/р	Юк хати №	Топшири лган сана	Вазни		Ушла нди	Шундан	
			брутто	зачёт		Намлик	Ифлослик
1.	АС-22221	25.06.14 й	2850	2815	35	-	35
2.	АС-22222	25.06.14 й	2876	2838	38	-	38
3.	АС-22223	25.06.14 й	2999	2912	87	45	42
4.	АС-22224	25.06.14 й	2909	2824	85	42	43
5.	АС-22225	26.06.14 й	2872	2770	102	43	59
6.	АС-22226	26.06.14 й	2972	2867	105	41	64
7.	АС-22227	26.06.14 й	2929	2825	104	40	64
8.	АС-22228	26.06.14 й	3027	2926	101	38	63
9.	АС-22229	27.06.14 й	2991	2884	107	37	70
10.	АС-22230	27.06.14 й	2874	2764	110	38	72
11.	АС-22231	27.06.14 й	2973	2860	113	38	75
12.	АС-22232	27.06.14 й	2964	2849	115	39	76
13.	АС-22233	28.06.14 й	2965	2844	121	40	81
14.	АС-22234	28.06.14 й	2933	2810	123	39	84
15.	АС-22235	28.06.14 й	3018	2895	123	38	85
16.	АС-22236	28.06.14 й	3011	2887	124	37	87
17.	АС-22237	29.06.14 й	3002	2882	120	36	84
18.	АС-22238	29.06.14 й	2993	2877	116	36	80
19.	АС-22239	29.06.14 й	2981	2863	118	34	84
20.	АС-22240	29.06.14 й	2999	2870	129	35	94
21.	АС-22241	30.06.14 й	2878	2752	126	36	90
22.	АС-22242	30.06.14 й	2876	2749	127	36	91
23.	АС-22243	30.06.14 й	2872	2744	128	34	94
24.	АС-22244	30.06.14 й	2876	2733	143	35	108

25.	АС-22245	1.07.14 й	2836	2694	142	36	106
26.	АС-22246	1.07.14 й	2816	2683	133	33	100
27.	АС-22247	1.07.14 й	2789	2657	132	32	100
28.	АС-22248	1.07.14 й	2819	2649	170	30	140
29.	АС-22249	2.07.14 й	2808	2635	173	30	143
30.	АС-22250	2.07.14 й	2790	2621	169	29	140
31.	АС-22251	2.07.14 й	2772	2602	170	29	141
32.	АС-22252	2.07.14 й	2677	2519	158	28	130
33.	АС-22253	3.07.14 й	2637	2478	159	27	132
34.	АС-22254	3.07.14 й	2617	2448	169	26	143
35.	АС-22255	3.07.14 й	2617	2444	173	26	147
36.	АС-22256	3.07.14 й	2614	2452	162	28	134
37.	АС-22257	4.07.14 й	2637	2477	160	27	133
38.	АС-22258	4.07.14 й	2633	2472	161	26	135
39.	АС-22259	4.07.14 й	2731	2529	202	24	178
х	Жами -39	х	111433	106400	5033	1268	3765

Андижон туманидаги «Нодир миришкор» фермер хўжалиги 2014 йили етиштирган буғдойни 10 кун ичида 39 та юк хатида асосан давлатга сотишга эришди. Давлатга сотилган буғдойни таккослама хужжатида мувофиқ жами 111433 килограм буғдой жўнатилганлиги аникланди, шундан 1268 килограми намлик учун ва 3765 килограми ифлослиги учун ушланганлиги аникланди. Натижада давлатга 106400 килограмм буғдой сотишга эришилди.

Буғдой етиштириш сифатида, етиштириш агротехнологияси ўз таъсирини ўтказди. Шунинг учун биз хўжаликда буғдой етиштириш агротехникасини кўриб чиқишимиз зарур.

-жадвал

Бугдой етиштириш технологик картаси. 26.6 x 60.9=1620ц сомон 26.6га x 60.6 ц = 1620 ц.
6 = 1 x (э/м, я/х), 8 = 14x 7, 14= 6 : 9, 15 = 6 : 9, 16 =14 x 12, 17 = 15 x 13, 19 = 18 x 6,

Маро таба, кг, %	Иш турлари	Агрегат таркиби		У л б и р	Иш хажми			Ме ъёр	Тоифа		Тоифа қиймати		Иш кунлар		Иш ҳақи (м сўм)		Ёнлғи (литр)	
		Трак тор	к/х маши		физ ик	Эт/га	Жам и эт/га		Тр- га	Кўл куч	Тр-га	Кўл куч	Тр-га	Кўл куч	Тр- Га	Кўл куч	Би р уч	Жам и
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
7т	Гўнг юклаш	ТТЗ-60	ПУ-0,5	т	186	3,85	12	60	4	-	14372	-	3,1	-	44,5	-	0,6	112
7т	Гўнг ташиш	ТТЗ-60	2птс	т	186	3,85	48	12,1	2	-	11879	-	15,4	-	182,9	-	2,5	465
100%	Гўнг ёйиш	Кўлда		га	26.6	-	-	4	-	2	-	11053	-	6,6	-	72,9	-	-
1,1т	М/ў юклаш	ТТЗ-60	ПУ-0,5	т	29	3,85	2	60	4	2	14372	11053	0,5	0,5	93,4	71,8	0,6	17
1,1т	М/ў ташиш	ТТЗ-60	2птс	т	29	3,85	7	12,1	2	-	11879	-	2,4	-	28,5	-	2,5	73
1,1т	НРУга м/ў юк	Кўлда		т	29	-	-	4,9	-	3	-	12165	-	5,9	-	71,8	-	-
2м	М/ў солиш	ТТЗ-60	НРУ	га	53	3,85	22	7,4	4	-	14372	13372	7,2	7,2	103,5	96,3	3,5	186
250кг	Уруғлик таш	ТТЗ-60	2птс	т	6.6	3,85	2	10,3	2	2	11879	11053	0,6	0,6	7,1	6,6	2,3	15
1м	Ерни чизеллаш	ТТЗ-60	КРХ-4	га	26.6	3,85	5	17,8	5	-	15744	-	1,5	-	23,6	-	1,1	29
100%	Ўруғлик юкл	Кўлда		т	6.6	-	-	1,25	-	3	-	12165	-	5,3	-	64,5	-	-
100%	Экиш	ТТЗ-60	СЭ-3,6	га	26.6	3,85	145	5,7	5	5	15744	14649	46,7	46,7	735,2	684,1	5,4	144
10%	Уқ-арик очиш	ТТЗ-60	Канов	га	2.7	3,85	1	6,6	4	-	14372	-	0,4	-	5,7	-	6,3	17
4м	Суғориш	Кўлда		га	106	-	-	3,0	-	6	-	15957	-	35,3	-	563,3	-	-
100%	Хосил ўриш	КЭЙС	Комб	т	106	10,15	153	7,0	6	-	17181	-	15,1	-	259,4	-	8,7	922
100%	Дон ташиш	ТТЗ-60	2птс	т	106	3,85	27	12,1	2	-	11879	-	8,7	-	103,3	-	4,4	466
100%	Дон тозалаш	ТТЗ-60	ОДН	т	106	3,85	41	8,0	3	3	13074	12165	13,2	13,2	172,6	160,5	0,6	64
100%	Сомон присл	ТТЗ-60	Пресс	га	26.6	3,85	7	12	4	-	14372	-	2,2	-	31,6	-	5,0	133
100%	Присс юклаш	Кўлда		т	80	-	-	4	-	3	-	12165	-	20,0	-	243,3	-	-
100%	Присс ташиш	ТТЗ-60	2птс	т	80	3,85	29	8,6	2	-	11879	-	9,3	-	110,5	-	4,4	352
100%	Присс гарам-ш	ТТЗ-60	ПУ-0,5	т	80	3,85	54	4,6	2	3	13074	12165	17,4	17,4	227,5	211,7	0,6	48
240ку	Хосил кораули	Кўлда		к	240	-	-	1	-	1	-	10045	-	240	-	2411	-	-
	Жами	х	Х	х	х	х	555	х	х	х	х	х	143,7	158,7	2129	2247	х	3043

Андижон туманидаги «Нодир миришқор» фермер хўжалиги 2014 йилли 26,6 гектар ерга буғдой экиб, ҳосилдорлигини 60,9 центнерга етказиб 1064 центнерли ялпи ҳосил олишга эришди. Хўжаликда буғдой етиштириш ишларини - механизация (ТТЗ-80-10 ва КЕЙС комбайини ёрдамида) ва қўл кучи ёрдамида бажариб келинмоқда. Буғдой етиштириш учун белгиланган 21 турдаги агротехник тадбирлар ичида 10 таси механизация ишларни, 6 таси қўл кучи ишларни ҳамда 4 таси механизация ва қўл кучи ишларини ташкил этмоқда.

Белгиланган агротехник тадбирларни амалга ошириш учун 555 шартли гектар ишлар, 302 иш кунлари, 4376 минг сўмлик тариф иш ҳақи, 3043 литр ёнилғи сарфланган. Хўжаликда белгиланган агротехник тадбирлар ичида минерал ўғит солиш, буғдой экиш, суғориш шаҳобчаларини очиш, ҳосилни ўриш, сомон прислаш ишлари шартномага мувофиқ бажарилди.

2.3 Фермер хўжаликларида бугдой етиштириш агротехнологиясини ташкил этиш

Бу йил деҳқону фермерларимиз мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 40 минг тоннадан зиёд ғалла хирмони уйишди. Ҳосилдорлик гектарига ўртача 55 центнерни ташкил қилди. Илғор фермер хўжаликлари бу кўрсаткични 75–85, ҳатто 100 центнергача етказишга муваффақ бўлишди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимиз ғаллакорларига йўллаган табриги барча меҳнаткашларнинг дилини қувончга тўлдирди. Юртбошимизнинг табригида билдирилган юксак ишонч, келгусидаги ишларимизга ҳам катта масъулият ва вазифа юклайди. Негаки эришилган ютуқлар билан чекланмай, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб меҳнат қилинса, келгусида дон ҳосили янада мўл бўлади.

Жорий йилда илғор фермерлар гектаридан 75–85 центнердан ошириб ҳосил олган бир пайтда, айрим фермер хўжаликларида бу кўрсаткич 20–30 центнерни ташкил этди холос.

Жумладан, Шовот, Урганч, Янгибозор, Қўшқўпир туманларининг баъзи хўжаликларида аксарият майдонларда ғалла уруғи 4–5 см чуқурликда экилмаганлиги, ўз вақтида сифатли суғорилмаганлиги, ниҳоллар юза униб чиққанлиги боис майсаларни совуқ уриши туфайли кўчатлар сийрак бўлиб қолишига, пировардида кўзланган ҳосил олинмаслигига олиб келган.

Сурхондарёлик ғаллакорлар бошоқли дон экинларини парваришlashда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйишган. Ғалла майдонлари сифатли тайёрланмагани, кесакли майдонларга экилишига йўл қўйилгани боис уруғнинг 50 фоизи униб чиққан холос. Қолаверса, экиш муддатлари 4 ойга чўзилиб кетгани туфайли майсанинг ривожланиш фазасида катта фарқ бўлиб, ниҳоллар сийрак униб чиққан. Буларнинг барчаси давлатга ғалла сотиш шартномавий режанинг бажарилмаслигига олиб келди.

Умуман, ғалладан кўзланган ҳосил олинмаслигига қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлаётир:

- ерни экишга текис ва сифатли тайёрламаслик;
- ер нотекис ва кесакли бўлганлиги учун уруғликнинг ҳар хил кўмилиши;
- дала хусусияти ҳисобга олинмай, яъни уруғликни механик таркиби оғир тупроқларда 4–5 см, ўртача кумлоқ тупроқларда 5–6 см чуқурликда экмаслик;
- экиш ишлари минтақа учун мақбул муддатда ўтказилмаслиги;
- уруғ экилгандан кейин суғоришнинг кечиктирилиши;
- уруғлик сарфи барча навлар учун бир хил меъёрга белгиланиши шулар жумласидандир.

Ҳар бир квадрат метр майдонда 500–600 донадан бошоқ ҳосил қиладиган поя шаклланганда гектаридан 50–60 центнердан дон ҳосили олиш имконини беради.

Илмий-амалий тажрибалар шуни кўрсатадики, республикамиз тупроқ-иқлим шароитида экишга тавсия этилган кузги буғдой навлари мақбул муддатда, гектарига 4,5–5 миллион дон унувчан уруғ ҳисобида экилса, талаб даражасидаги кўчат қалинлигини таъминлашга эришилади. Келгуси йил ҳосили учун бошоқли дон экиш ишларини белгиланган муддатда, тез ва сифатли бажаришда мутасадди раҳбар ва мутахассислар, фермерлар қуйидаги агротехник тадбирларга алоҳида эътибор қаратишларини тавсия этамиз.

ТЕХНИКАНИ ТАЙЁРЛАШ. Ўтган йили айрим ҳудудлардаги муқобил МТПларда техникаларни мавсумга ҳозирлашга етарли эътибор берилмаганлиги мавсумнинг мақбул муддатларда сифатли ўтказилишига салбий таъсир кўрсатди. Бир қатор фермер хўжаликларида икки ярусли омочлардан фойдаланилмаганлиги сабабли ер сифатсиз шудгорланди.

ЕР ТАЙЁРЛАШ. Очиқ майдонларга бошоқли дон экишда кетма-кет 2–3 йил ғалла жойлаштирилиши далани кучли ўт босиши ва оқибатда ҳосилдорлик белгиланганидан 6–10 центнер паст бўлишига олиб келади. Шудгор қилинган майдонларда ер текислаш ишлари сифатли бажарилиши лозим. Ер кесакли бўлмаслиги учун узун базали текислагичлардан унумли

фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўтли майдонлардаги ажриқ, ғумой томирларини териб олиш зарур.

Ер текислаш ишлари суғориш жараёнида сув кўллаш эҳтимоли батамом йўқ бўлгандан кейингина тўхтатилади. Агар далада нотекис жойлар бўлса, бу майдонлардаги ниҳоллар сув кўллаши оқибатида nobуд бўлади ва келгусида айнан шу майдонларда занг касаллигининг ўчоқлари пайдо бўлади. Ғўза қатор орасига ғалла экишда ўтган йили айрим жойларда ер тайёрлаш жараёнида қатор камчиликларга йўл қўйилди. Уруғнинг бир қисми турли чуқурликка ва кесак ўстига тушиб кўмилмай қолиб, 5–10 фоизи униб чиқмади.

Ғўза қатор орасига ғалла экиш учун ер тайёрлашда эгатларнинг тўлиқ бузилиши ва 15–18 см.ли юмшоқ тупроқ қатламини ҳосил қилиш муҳим агротехник тадбир ҳисобланади. Бунинг учун ғўзани энг охирги суғоришдан кейин албатта сифатли культивация қилиш зарур. Бунда культиваторлар отряд усулида ишлатилса, ер қисқа муддатда тайёрланади ва кесак кўчишининг олди олинади.

ЭКИШ ОЛДИДАН ФОСФОРЛИ ВА КАЛИЙЛИ ЎҒИТЛАРНИ СОЛИШ. Ўтган йили айрим фермерларнинг эътиборсизлиги туфайли ғалла майдонларининг 10–15 фоизи фосфорли ўғитлар билан ўғитланмасдан уруғ экиб юборилди. Оқибатда айнан шу майдонларда ғалланинг гуллаш ва мум пишиш фазаларида фосфор етишмаганлиги сезиларли таъсир кўрсатди.

Таъкидлаш жоизки, экиш олдидан фосфорли ва калийли ўғитлар йиллик меъёрининг 100 фоизи берилишини таъминлаш ҳосилдорликни оширишда муҳим аҳамиятга эга. Кўп йиллик таҳлилларга қараганда, фосфорли ва калийли ўғитлар билан ўғитланмаган майдонларда вегетация даврининг гуллаш, сут-мум пишиш даврида фосфор танқислиги кузатилиб, бошоқлар тўлиқ шаклланмасдан бошоқдаги доннинг 20–30 фоизи пуч бўлиб қолишига олиб келади. Оқибатда бу майдонларда 1000 дон доннинг оғирлиги 40–42 грамм ўрнига 30–35 грамм тош босиб, ҳосилдорлик 10–15 центнер камайишига олиб келади.

Уруғ экишда навнинг хусусиятига қараб экишнинг мақбул муддати белгиланади: кечпишар навларни 15 сентябрдан 15 октябргача, тезпишар навларни октябрь охиригача экиш мақсадга мувофиқ. Ўтган йили бир қатор туманларда уруғ мақбул муддатда экилмаган майдонлардан мақбул муддатда экилган майдонларга нисбатан 8–10 центнер кам ҳосил олинди.

Айрим фермерларнинг эътиборсизлиги туфайли ўтган йили 10–12 фоиз майдонларга уруғлик 25 октябрдан 15 ноябргача экилган. Ушбу майдонлардаги майса қишлоғга тўпламасдан кирганлиги боис, қишнинг аёзли кунлари зарарланиб, кўзланган ҳосил олинмади. Фермерларимиз экишда гектарига 4,5–5 млн соғлом кўчат олиш бўйича уруғлик ҳисоб-китобини қилиши керак.

Очиқ майдонларда ғалла экишда биринчи навбатда махсус сеялкаларда экишга эътибор қаратиш зарур. Шунда уруғ бир хил чуқурликка тушади ва текис униб чиқади. Экишда сеялканинг диски сошникларига эътибор қаратиш лозим. Сошниклар тўлиқ ва экишга яроқли бўлиши керак. Экиш ўғит сепиш мосламалари ёрдамида амалга оширилса, уруғ бир текис тушмайди. Трактор излари атрофида ниҳол қалин, 3 метрдан олис масофада эса сийрак бўлиб қолади.

Энг ачинарлиси, жуяк олиш жараёнида уруғнинг 25–30 фоизи белгиланган чуқурликдан пастга, 10–12 фоизи юзага чиқиб қолади. Чуқурликка тушиб кетган уруғ униб чиқолмайди, юзага тушганларини эса қушлар еб кетади. Оқибатда 1 гектарда ниҳоллар сони ўртача 20–25 % кам бўлади. Ғўза қатор орасига уруғ экишда махсус мосламалардан фойдаланиш зарур. Бу мосламаларнинг ишга яроқлилиги ҳамда уруғни бир текисда ташлашига эътибор қаратиш керак.

Кесакли тайёрланган майдонларга уруғ экиш тавсия этилмайди. Эгатлар тўлиқ бузилмаган, 15–18 см чуқурликда юмшатилмаган майдонларда ғалла экиш ўта салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Биринчидан, уруғ белгиланган чуқурликка тушмайди. Иккинчидан, 20–30 фоиз уруғ ғўзапоя тагидаги юмшатилмай қолган жойларда қолиб кетади. Учинчидан, кесакли

майдонларда 30–40 фоиз уруғ тупроқ билан аралашмай, юзада қолиб кетади. Бундай салбий ҳолатларнинг олди олинмаса, ниҳол белгиланган меъёрдагидан 30–40 фоиз камаяди. Қишлов пайтида бу майдонлардаги майсанинг аксарият қисми нобуд бўлади.

ПЕШМА-ПЕШ СУҒОРИШ. Уруғ экиб бўлинган майдонларни зудлик билан суғориш шарт. Шунда юзага тушган уруғларни қушлар еб кетиш эҳтимоли пасаяди. Ғалла энг мақбул муддатда экилса-ю лекин суғорилмаса, унинг униб чиқиш самарадорлиги кун сайин пасайиб кетади. Ўтган йили аксарият фермерлар мана шу тадбирни бажаришда хатоликка йўл қўйишди. Уруғ экилган майдонларни суғориш ишларига етарлича эътибор берилмади.

Суғориш кечиктирилганлиги боис уруғнинг 20–25 фоизи нобуд бўлди. Бу эса ўз навбатида ҳосилдорликка таъсир этмасдан қолмади. Шу боис бу йил суғориш ишларини ташкил этишда даланинг ҳар 50–60 метридан ўқарик олиб, шарбат билан суғориш талаб этилади. Шунда дала қанчалик катта ва узун бўлмасин барча қисми бир текис намланиб, тўлиқ ниҳол олиш имкониятини беради. Аксинча ўқариклар олинмаса дала бошида ер ўта захлаб, этагида сув кўллайди. Бунинг оқибатида далада ниҳоллар сийрак униб чиқиб, ноябрь ойининг ўрталарида уларда сарғайиш аломатлари пайдо бўлади.

Далада ниҳолнинг бир текис олинмаслиги ҳосилдорликка кескин таъсир қилади. Биринчи сувдан 7–8 кун ўтгач ниҳоллар тўлиқ униб чиқмаса, зудлик билан такрорий суғоришни ташкил этиш керак. Бунда даланинг чала суғорилган қисми алоҳида сувчилар назоратида суғорилиши керак.

НИҲОЛЛАРНИ ТУПЛАШГАЧА ПАРВАРИШЛАШ. Ниҳоллар тўлиқ униб чиққандан кейин биринчи навбатда, пайхон қилинишига йўл қўймаслик керак. Бунда дала четларини четанлар билан ўраш талаб этилади. Ўртача 1 гектар майдонда 4,5–5 млн ёки 1 м² да 450–500 дона ниҳол олинганда далани қониқарли деб баҳолаш мумкин. Ғалла униб чиққандан кейин 20–22 кун ичида туплаш фазаси бошланади.

Агар туплаш фазаси шу муддатдан кечикса, зудлик билан маҳаллий ўғитлар ёрдамида шарбат усулида суғоришни ташкил этиш яхши самара беради. Ёўза қатор орасига ғалла экилган майдонларда далани ёўзапоядан тозалаш декабрнинг биринчи ярмигача тугатилиши лозим. Бундан ташқари ернинг унумдорлиги паст майдонларда ғалла ниҳоллари тупламасдан сарғайиб қолса, 1 га майдонга соф ҳолда 30–35 кг азотли ўғитлар билан қўшимча озиқлантириб суғориш яхши самара беради.

Майсанинг кишловга туплаган ҳолда кириши совуққа чидамлилигини ошириб, юқори ҳосилдорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Буғдой сифати навнинг хусусиятига боғлиқ. Шунинг учун навларни янгола туриш зарур. Республикамизда буғдойнинг Юна, Скифянка, Купава, Офелия ва бошқа серҳосил навлари суғориладиган майдонларда ва Сурхок 5688, Оқ-буғдой, Санзар-6, Лалмикор ва Красновадопад-21 навлари лалмида етиштирилади.

Нав янгилаш асослари. Экинларнинг ишлаб чиқаришдаги барча навларига хос ҳосилдорлик ва қимматли хўжалик биологик белги ва хусусиятларни бошланғич ҳолатда сақлаш учун уларнинг уруғини ўз вақтида янгилаб туриш талаб этилади. Нав янгилаш (уруғ алмаштириш) деб экилиб келинаётган бир навнинг ҳосилдорлик, маҳсулот сифати ва биологик хусусиятлари пасайганидан сўнг, шу навнинг махсус усуллар ёрдамида янгиланган сифатли уруғлари билан алмаштирилиб экилишига айтилади. Нав янгилаш ҳам нав алмаштириш каби уруғликнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, катта иқтисодий аҳамиятга эга. Нав янгилашни тўғри ташкил қилиш ва ўз муддатида ўтказиш навнинг элита уруғларини узлуксиз етиштириш билан боғлиқ.

Нав янгилаш апробация маълумотларига асосланиб ёки яхшиланган элита уруғлари етиштириб чиқарилганда, шунингдек уруғнинг сифатидан қатъий назар олдиндан белгиланган муддатда даврий равишда ўтказилиб берилади. Турли мамлакатларда ва ҳар хил экинларда нав янгилаш ҳар хил муддатда

ўтказилади. Масалан, Россиянинг айрим вилоятларида нав янгилаш 4-5 йилда бир марта ўтказилади.

Украинада (Киев вилоятида) донли экинлар бўйича нав янгилашни Ҳар йили, Молдавияда 2 йилда бир марта, Литвада ва бизнинг мамлакатимизда 5 йилда бир марта ўтказиш белгиланган.

Нав янгилашнинг муддати кўпинча элита уруғлари жамоа, ширкат хўжаликларида кўпайтирилганда Ҳар бир кейинги репродукция ўзининг Ҳосил сифатини йўқотиб, тез бузилиб бориши, шунингдек, уруғларни етиштириш имкониятлари Ҳисобга олиниб, тавсия этилади. Бироқ экиш учун тавсия этилган элита уруғлари олдингиларига нисбатан Ҳосилдорлиги бўйича устун бўлмаса, у Ҳолда нав янгилашни, уруғ бошқа нав ва экинлар уруғи билан ифлосланганда, касалланганда ёки апробация пайтида яроқсиз деб топилганда ўтказиш лозим.

Нав янгилаш муддатини белгилашда Ҳар доим нав қанча вақт ичида қандай тезлик билан ўзининг Ҳосилдорлик сифатини пасайтириб ёмонлашиб кетади деган савол туғилади. Навнинг ёмонлашиши ўсимликнинг ирсиятига боғлиқ. Ирсият барқарор бўлса, уруғ кўпайиши жараёнида нав бир қанча бўғинлар давомида ўзининг белги ва хусусиятларини мустаҳкам сақлаб қолади. Буни донли ва бошқа экинларнинг эски маҳаллий навларидан якка танлаш йўли билан яратилган ва кенг тарқалган селекцион навлар мисолида кўриш мумкин. Арпанинг Венер, сўлининг Победа, Жавдарнинг Вятка навлари 40-50 йилдан ортиқ давр давомида катта майдонларда экилмоқда ва уларда Ҳеч қандай бузилиш аломатлари сезилмайди. Картошканинг кенг тарқалган Ранняя Роза нави бундан 115 йил илгари (1887 йил) яратилган. Ғўзанинг 108-Ф нави ҳам катта майдонларда 50 йилдан ортиқ давр ичида экилмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Навлар тўғри агротехника шароитида Ҳосил сифатини ифодаловчи биологик хусусиятларини ва морфологик белгиларини узоқ вақт давомида мустаҳкам сақлаб қолади.

Илмий-тадқиқот муассасаларида нав ичида ўзгарувчанликдан фойдаланиб қайта якка танлаш ўтказиш билан донли экинларининг кенг тарқалган навларини яхшилаш ишлари Ҳеч қандай натижа бермаганлиги бу навлар, айниқса линияли навлар жуда барқарор ирсиятга эга эканлигини кўрсатди. Демак, ичидаги ўзгарувчанликдан фойдаланиб янги нав яратиш ёки яхшиланган элита уруғларини етиштириш самара бермайди.

Уруғларни юқори агротехника шароитларида етиштирганда уларнинг Ҳосилдорлик сифати мустаҳкам сақланиб қолар экан.

3. боб. Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган бўғдой сифатини оширишга таъсир этувчи омиллар.

3.1. Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган бўғдой сифатини оширишга таъсир этувчи омиллар.

Глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганига қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор юқори суръатлар билан ривожланишда давом этгани, аҳоли турмуш даражасининг изчил ўсиши ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозорларидаги мавқеи янада мустаҳкамланиши таъминланмоқда.

Республика иқтисодиётинининг турли соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси, йилдан-йилга тобора ортиб бораётган мустақил тараққиётининг дастлабки йилларида халқимиз танлаб олган ривожланиш йўли нақадар тўғри ҳамда пухта асосга эга эканини, энг муҳими, уларнинг негизида фуқораларимизнинг ҳаётини орзу-интилишлари ва манфаатлари ўзининг яққол ифодасини топганини кўрсатмоқда.

Биз ўз олдимизга эзгу мақсад қилиб қўйган келажак буюк давлатни барпо этишда, ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг мурракаб, изчил ва давомли йўлида ҳар бир йил алоҳида поғона бўлиб хизмат қилаётгани эътиборлидир. Шунинг учун ҳам босиб ўтган йўлимизни атрофлича сарҳисоб қилиб, мамлакатимиз миқёсида эришилган ютуқ ва натижаларни чуқур таҳлил этиш, юксак марраларни қўлга киритиш учун олдимизда турган энг муҳим ва устивор вазифаларни белгилаб олиш ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни янги босқичга кўтаришда ҳал қилувчи ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришгандан сўнг ўзини миллий иқтисодиётини мустаҳкамлаш, уни ҳар томонлама ривожлантириш йўлида дадил қадам ташлаб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов янги ҳуқуқий давлат қуриш, уни обрўини халқаро миқёсига кўтариш, чет эл инвестициясига кенг йўл очиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш каби ишларни амалга ошириш

борасида ташаббускорлик кўрсатмоқда. Бу борада қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиётига мослаштириш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларга бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш каби ишлар амалага оширилди.

Республикамиз озиқ-овқат ҳавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илгор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва уруғчилик селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва аҳолини турмуш даражасини яхшилашга буғдой етиштириш алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу муаммони ҳал этишда ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш ва такомиллаштириб бориш зарур.

Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришни моҳияти бу ўтмишдош экинлар хусусиятини инобатга олган ҳолда алмашлаб экиш, юқори ҳосил ва сифати яхши бўлган навлардан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигига кўра ва ўғитларни сифатини инобатга олган ҳолда минерал ўғитлар билан ўз вақтида ва мутаносиб равишда таъминлаш, ҳашоратларга ва турли касалликларга ишлов бериш, ўз вақтида ва сифатли агротехник тадбирларни бажариш, юқори унум машиналардан, агрегатлардан фойдаланиш ва уларни созлаб боришда.


Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришни мақсади бу инсон меҳнатини ишлаб чиқариш воситалар билан мутаносиб равишда олиб бориш орқали буғдой етиштиришда меҳнат маданиятини яхшилаш, ҳосилдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш ва маҳсулот таннархини камайтиришдан иборат.

Буғдой етиштиришни такомиллаштиришга таъсир этувчи омилларни куйидаги 4 та йирик гуруҳларга (табiiй, техник, ташкилий-хукукий ва иқтисодий-ижтимоий) бўлиб олишимиз мумкин.

Табиий омиллар гуруҳига – хўжаликни иқлим шароити (кузни яхши келиши) хўжаликни жойланиши, тупроқнинг ҳолати ва сув билан таъминланиш даражасини киритишимиз мумкин.

1-чизма

Буғдой етиштиришни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар.



Техник омиллар гуруҳига – зарурий техника билан таъминланиш даражаси, техникани техник ҳолати, техникани қуввати, техникани қамраш кенглиги, техникани сменали иш унумини киритишимиз мумкин.

Ташкилий-ҳуқуқий омиллар гуруҳига – экин етиштириш технологиясини муккамал билиш, янги юқори ҳосил берадиган навлардан фойдаланиш, буғдой етиштириш технологияга амал қилиш, ишлаб чиқариш воситалани мутаносиблигини таъминлаш, меъёрлардан фойдаланиш, ҳашоратларга ва касалликларга айниқса “Занг” касалликларга қарши ишлов бериш, ўғитдан фойдаланиш, шарбат билан суғориш, ўз вақтида буғдойни ўриб олиш, уруғлик учун буғдой етиштириш имкониятини кенгайтириш, давлатга буғдой сотишда ҳажмини оширмаслик, стандартларга амал қилиш ва уни яхшилаш учун хўжаликларга етарлича шароитлар яратиб бериш.

Иқтисодий омиллар гуруҳига – шартнома муносабатларни ҳолати, зарурий маблағ билан таъминлаш, ўз вақтида маблағларни ўтказиб бериш, иш ҳақи тўлашларни киритишимиз мумкин.

Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигида буғдой етиштиришни ташкил этишга таъсир этувчи омилларга қуйдагини киритиш мумкин:

Уруғлик материалларга эътиборни кучайтириш ҳисобига ялпи ҳосилни 2 фоизга ошириш имконига эришилади.

1. Экиладиган буғдой уруғликларни, хўжаликни ўзида дорилашни амалга ошириш ҳисобига харажатлар камаяди.
2. Экиладиган буғдой уруғликларни, маҳсус ихтисослашган дон сеялкалар ёрдамида экишни амалга ошириш. (Ҳозирги кунда дориланган буғдой уруғликлари органик ўғит сочиб берувчи мослама ёрдамида сепилмокда. Бу уруғлик материалларни узоқ масофаларга сочиб юборишлиги натижасида уруғликларни исроф бўлишига олиб келмокда).
3. Экиладиган уруғлик материалларни давлат стандартлар талабига келтирган ҳолда (1чи репродукцияга талабига жавоб берадиган уруғликларни ажратиб

олиш, шикастланган уруғлик материаллардан фойдаланмаслик, унувчанлигини 100 фоизга етказиш...)

Буғдой етиштириш агротехник тадбирларга эътибор бериш натижасида ялпи хосилни 5 фоизга ошириш имконига эришилади.

1. Буғдой майдонларига эрта баҳор суспензия билан ишлов бериш. (Ушбу тадбир буғдой майсаларини ривожланишини тезлаштиради, буғдой экинлари барглар ёрдамида озикланади).
2. Баҳорда буғдой экинлари шарбат билан суғорилса хосил нақадар тез ривожланади балки банди бақувват бўлади, бошоқ катталашади, далада нам сақлаш имкони кенгаяди.
3. Апрель ойида барча буғдой майдонлари бегона ўтлардан тозалаш ишларини амалга ошириш зарур. Бу ўз навбатида донни тозалигини таъминлайди, сотиладиган дон сифати яхшиланади, хўжаликни даромадлари ортади, келгусида уруғлик сифатида фойдаланилса далада бегона ўтлар камаяди.
4. Ҳар бир буғдой экиб келаётган фермер хўжалиги май ойидан бошлаб буғдой майдонларига нам сақлаб туриш мақсадида сув қўйиб туришлари керак. Бу бошоқларни ривожланиб олишига, донни тўлишига қатта ёрдам беради. Шуни унитмаслик керакки буғдой майдонларига ортиқча сув қўйилса хосил ётиб қолиши ва хосилни нобуд бўлишига олиб келиши мумкин.
5. Буғдой етиштиришда учрайдиган хашорат ва касалликларга қарши кимёвий курашларни олиб бориш. Ушбу тадбирларни амалга ошириш ҳисобига етиштирилган хосилни сақлаб қолиш, нобуд бўлишини олдини олиш имконини беради.

Етиштирилган хосилни йиғиштириб олишга эътиборни кучайтириш ҳисобига ялпи хосилни 2 фоизга ошириш имконига эришилади.

1.Хосилни ўз вақтида йиғиштириб олишга киришиш ва хосилни йиғиштириб олишда юқори унумли техникалардан фойдаланиш ялпи хосилни 10 центнерга нобудгарчилигини камайтиради.

Етиштирилган хосилни бошланғич қайта ишлаш хисобига ялпи хосил 1 фоизга кўпаяди.

Етиштирилган хосилни бошланғич қайта ишлаш натижасида накидка хисобига ялпи хосил 5 центнерга кўпаяди.

Етиштирилган хосилни ташиб олишга етарлича эътибор берилса ялпи хосилни 1 фоизга ошириш имконига эришилади.

1. Етиштирилган хосилни тегишли техникалар ёрдамида ташиб олиш ялпи хосилни 5-10 центнерга камайишини олдини олиш имконига эришилади.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида буғдой етиштиришни ташкил этишга таъсир этувчи омилларга етарлича эътибор берилса, маҳсулот миқдори кўпаяди, сифати яхшиланади, маҳсулотни рақобатбардошлиги ортади, таннархи камаяди, даромад ва фойда ортади, аъзоларни турмуш шарт-шароити яхшиланади.

3.2 Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигида буғдой етиштиришни такомиллаштириш йўллари.

Қишлоқ хўжалиги – мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса ҳам ашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига ҳам ашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

Аграр тармоқ юртимиз аҳолисининг салмоқли қисмини иш ўринлари билан таъминлаб келмоқда. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг муҳим устивор йўналишларидан бири сифатида эътироф этмоқда.

Жамият ҳамиша истеъмолга мойил бўлиб келган. Сон жиҳатидан доимий кўпайиб борадиган аҳолининг ноз-неъматларга бўлган талабни сўзсиз қондириш узулуксиз маҳсулот ишлаб чиқаришни тақазо этмоқда.

Фермер хўжаликларининг бундан буён барқарор суъратлари билан ривожланиб боришига шарт-шароитлар яратиш учун республика миқёсида уларни техник воситалари билан таъминлаш борасида йирик тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Бунда энг аввало республиканинг ички имкониятларига таянган ҳолда, юқори қувватга эга бўлган тракторлар ва тиркалма машиналарни кўпайтириш долзарб масалага айланмоқда.

Фермер хўжалиги томонидан буғдой етиштиришда фойдаланиладиган техника ва агрегатларни кўпайтириш ҳисобига агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, сифатини ошириш, ишни бажариш учун сарфланадиган вақтни тежаш, иш ҳақи харажатини камайтириш имконига эга бўлади.

Хўжаликни зарурий воситалар билан таъминлашда Давлатимиз томонидан ишлаб чиқарилган махсус тизим амал қилмоқда. Бу тизимда нечта

турдаги воситалар ишлаб чиқариш лозимлиги, нечтаси синовда ва қанчаси хориждан олиб келиш кераклиги белгиланган.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келувчи техника ва тиркалма агрегатларни харид нархлари йилдан – йилга ортиб бормокда. Хўжаликларни молиявий қийинчилик даврида зарурий техникалар билан таъминлаш имконини берувчи истиқболли йўналишлардан бири бу лизингдан фойдаланишдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги “Лизинг тўғрисида” ги қонунга мувофиқ: “Лизинг - ижара муносабатларини алоҳида бир тури бўлиб, у бир тараф иккинчи тарафнинг топшириғига биноан учинчи тарафдан ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни олади”.

Лизинг кўринишда техникадан фойдаланиш ўзига хос авзалликларга эга.

Фермер хўжаликлар орасида техникадан “Лизинг” кўринишида фойдаланиш бўйича етарли тажрибалар тўплангани йўқ. Аммо, фермер хўжаликларнинг ривожланиб бориши билан яқин келажакда улар орасидаги ҳамкорлик алоқалари кучайиб бориши кутилади. Шунини ҳисобга оладиган бўлсак, фермер хўжаликларининг техника воситаларига бўладиган талабларини қондиришда бундай ҳамкорлик энг истиқболли йўналишлардан бири бўлиши мумкин.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини асосий воситалар билан ўз вақтида таъминлашга энг кўп тўсиқ муаммоларидан бири бунинг учун зарур бўлган маблағларнинг етишмаслигидир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжаликларининг буғдой ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун:

- уруғлик материалларга эътиборни кучайтириш;
- буғдой етиштириш агротехник тадбирларга эътибор бериш, етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш;

- етиштирилган хосилни бошланғич қайта ишлаш, етиштирилган хосилни ташиб олишга эътибор берилса қуйдагиларга эришилади.

14-жадвал

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалиги томонидан буғдой етиштиришни такомиллаштириш тадбирлари амалга ошириш натижасида қуйидаги кўрсаткичларга эришилади.

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч бир	Ялпи хосилга нисбатан салмоғ (%)	Ялпи хосилга нисбатан миқдор (ц)
1.	Уруғликларга эътибор бериш	%	2	32
2.	Агротехник тадбирларга эътибор бериш ҳисобига	%	5	81
3.	Хосилни йиғиштириб олишга эътиборни кучайтириш ҳисобига	%	2	32
4.	Етиштирилган хосилни бошланғич қайта ишлаш ҳисобига	%	1	16
5.	Етиштирилган хосилни ташиб олиш ҳисобига	%	1	16
	Жами	х	11	177

Юқоридагиларга асосланган ҳолда хўжалик маълумотларини қайта ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак қуйидаги маълумотларга эга бўламиз.

Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида буғдой етиштиришни такомиллаштириш ҳисобига хўжаликни буғдой етиштириш бўйича қуйидаги иқтисодий самарадорликга эришилади.

1. Хосилдорлик 6,6 центнерга.
2. Ялпи хосил 177 центнерга.
3. Харажат 2929 минг сўмга.
4. Ялпи маҳсулот қиймати 6545 минг сўмга.
5. Фойда олиш 3616 минг сўмга.
6. Рентабеллик даражаси 5,3 фоизга ортади.

**Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида буғдой
етиштиришни иқтисодий самарадорлиги.**

Т/ р	Кўрсаткичлар	Ўлч. бир	2014 йил		2014й 2012 й нисбатан	
			Ҳақиқат да	Қайта кўриб чиқиш натижасида	фарқи +,-	салмоғи %
1	Жами экин майдони	га	26,6	26,6	-	100.0
2	Хосилдорлик	ц/га	60,9	67,5	+6.6	110.8
4	Ялпи хосил	ц	1620	1797	+177	110.9
5	Жами и/ч харажати	м сўм	54456	57385	+2929	105.4
	-иш ҳақи	м.сўм	7243	8027	+784	110.8
6	Ялпи маҳсулот	м сўм	72754	79299	+6545	109.0
7	Фойда	м сўм	18298	21914	+3616	119.8
8.	Ходимлар сони	нафар	6	6	-	100.0
9.	1 ц таннарни	сўм	33615	31934	-1681	95.0
10	1 ц сотиш баҳоси	сўм	44910	44128	-782	98.2
11	Бир гектар хисобига					
	-сарфланган харажат	м сўм	1660	2157	+497	129.9
	-олинган ялпи маҳ-т	м сўм	2207	2981	+774	135.1
	-олинган фойда	м сўм	546	824	+278	150.9
12	Бир ходим хисобига					
	-тўғри келган э/м	га	4,67	4.43	-0.24	94.8
	-сари-ган иш ҳақи	м сўм	968	1378	+410	142.3
	-олинган ялпи маҳ-т	м сўм	10298	13216	+2918	128.3
	-олинган фойда	м сўм	2549	3652	+1103	143.3
13	Рентабеллик	%	32,9	38.2	+5.3	-

Манба: Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалик маълумотлари..

Хозирги кунда ғаллачиликда гибрид уруғликлардан фойдаланиш, плёнка остига экилган пахта майдонлар ўрнига буғдой экиш, буғдойни ўғитлаш ва буғдой касалликларига ҳамда хашоратларга қарши курашиш тизимини такомиллашиб бормоқда. Бу ўз навбатида буғдой етиштириш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар.

Глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганига қарамадан, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор юқори суръатлар билан ривожланишда давом этгани, аҳоли турмуш даражасининг изчил ўсиши ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозорларидаги мавқеи янада мустаҳкамланиши таъминланган.

Айни вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохатлар стратегиясининг самарадорлиги, инқирозга қарши курашиш борасида тўпланган тажрибалар нуфузли халқаро молия ва иқтисодий институтлар, жаҳондаги етакчи илмий марказлар томонидан юқори баҳоланаётгани таъкидланди.

Ютуқлар билан бирга иқтисодиёт соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳам ҳар томонлама таҳлил этилди мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича энг муҳим устивор йўналишлар ва дастурий вазифаларга эътибор қаратилди. Ҳукумат, вазирлик ва идоралар олдига ҳар бир ҳудуд учун устивор тармоқларни аниқлаш, табиий хом ашё ресурсларидан янада тўлароқ фойдаланиш, саноат ишлаб чиқаришни, айниқса, қайта ишлаш тармоқлари, хизматлар соҳаси, ижтимоий инфратузилмани жадал ва мутаносиб ривожлантирган ҳолда ҳудуд ва минтакаларни комплекс ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Мустақиллик йилларда мухтарам Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳномалигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан техника ютуқларини, янги техникаларни ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капитал ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ортди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатимизда эришилган ютуқлар иқтисодиётни ривожланишига олиб келмоқда. Иқтисодиётни

ривожлантириш учун соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳар томонлама таҳлил этиб боришни тақазо этмоқда. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун амалга оширилган туб иқтисодий ислоҳатлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириш лозим бўлган устивор йўналишлар ва дастурий вазифалар қабул қилинган. Давлатимиз томонидан халқ хўжалигининг устивор тармоқлари аниқлаб олинди, табиий хом ашё ресурсларидан янада тўлароқ фойдаланиш, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришни, айниқса, қайта ишлаш тармоқларни, хизмат соҳаларни, инфратузилмаларни жадал ва мутаносиб ривожлантириш бўйича зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бозор иқтисодиёти даврида қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, девирсификациялаштириш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш зарур.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва сифатини яхшилашга боғлиқ.

Айниқса буғдой етиштириш сифатини яхшилаш ҳисобига, буғдой етиштиришни иқтисодий самарадорлигини ошириш мумкин.

Буғдой етиштириш сифатини яхшилаш ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан маҳсулотни биологик хусусиятларига боғлиқ. Буғдойни биологик хусусиятини яхшилаш учун нав таллаш, агротехник талабларга амал қилиш, буғдойга бошлангич ишлов бериш каби ишларни амалга ошириш керак. Натижада маҳсулот миқдори кўпаяди, сифати яхшиланади, маҳсулот таннарни камаяди, даромад ортади.

Буғдой етиштириш етиштириш сифатини яхшилаш учун қуйдагиларга эътибор бериш керак.

1. Иқлим ва тупроқ шарт – шароитига мос келадиган навларни таллаш.
2. Етиштирилган буғдойни бошлангич қайта ишлаш.
3. Буғдой ишлаб чиқаришни янги технологияларни жорий этиш.

4.Буғдой етиштиришда ўғитлардан кенг фойдаланиш.

5.Хашорат ва зараркунандаларга кимёвий ва биологик курашни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш.

6. Буғдой сотишда давлат станлартларига амал килиш.

“Нодир миришқор” фермер хўжалигида юқорида келтирилган омилларга етарлича эътибор берилса буғдой етиштириш миқдори кўпаяди, сифати яхшиланади, иқтисодий самарадорлиги ортади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999 й.
- 3..Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон.
- 5.Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли фармони «Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». Халқ сўзи. 2003 йил 25 март
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши.Тошкент-2008 й.
- 3 . Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4478 фармони.Тошкент-2012 й.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори.Т-2003 йил 4.09. 383-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. “Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи кишлоқ хужалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Тошкент ш., 2012 йил 11 апрель, 106-сон.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги “Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарори. Тошкент ш., 2013 йил 31 январь, 22-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., 2013 йил 21 июнь, 176-сон

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлигининг қарори “Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Тошкент ш., 2013 йил 26 сентябрь, 49-сон

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 17.01.2015 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Т., Ўзбекистон. 1995 йил

2. И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т.: Ўзбекистон. 1995 йил

3. И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т., Ўзбекистон, 1998.

4. И.А.Каримов. Барқарор тараққиётга эриш устивор вазифа. Т Ўзбекистон 1998 йил.

5. И.А.Каримов «Дехқончилик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи» Т.:

Ўзбекистон. 1998 йил

6. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2009 йил.

4.Соҳага оид меъёрий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом».Тошкент-“Адолат”-1999й.

2. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий хужжатлар тўплами. (1-2 қисм). Тошкент 1998 йил.

5. Асосий адабиётлар

1. О.Зокиров, А.Абдуллаев, Ш.Зокиров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Андижон, 2002 йил.

2 .А.Исмоилов, О.Муртазаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002 йил.

3. Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил.

4. Ў.П.Умрзақов ва б. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. – Т.:”Иқтисод-молия” 2007 йил.

5. А.А.Абдуғаниев, А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Тошкент, 2010 йил.

6. С.Фрунзе. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (дарслик) .– Т. 2004 йил.

7. Ғ.А.Саматов ва б. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш. (дарслик). Т. 2005 йил.

6.Қўшимча адабиётлар

1. М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев. Менежмент. – Т.: «Молия», 2003.

2. Б.Салимов ва б. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. –

Т.:ТДИУ, 2004 йил

3. Р.Хакимов ва б. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004

4. О.Олимжонов ва б. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т. «Университет», 2005 йил.

7.Даврий нашрлар,статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

1. Андижон туманидаги «Нодир миришқор» фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва бошқа мълумотлар.

8. Интернет манбалари.

1. www.msu.ru. – Москва Давлат Университети.Иқтисодиёт факультети.
2. www.rcute.ru. - Г. Плеханов номидаги Москва иқтисодиёт академияси.
3. www.цпе.уз.- Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
4. www.тимасад.ру.-К.А.Тимирязев номидаги Москва давлат қишлоқ хўжали ги академияси, иқтисодиёт факултети.
5. www.право.уз. Ўзбекистон республикаси қонунчилик базаси.
- 6.www.зиёнет.уз – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.
- 7.www.lex.уз -Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар миллий базаси.

«ФХБЮ» таълим йўналиши 4-босқич талабаси **Юлдашева Мохинурни Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигидаги тайёрланган буғдой сифатини оширишни иқтисодий самарадорликка таъсири мавзусидаги битирув малакавий иши натижаларини амалиётга тадбиқ этиш**

ДАЛОЛАТНОМАСИ № _____

Андижон вилояти, **Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалиги** ушбу маълумотнома орқали шуни маълум қиладики, Андижон қишлоқ хўжалик институти, Иқтисодиёт ва бошқарув факультети «ФХБЮ» таълим йўналиши 4-босқич талабаси **Юлдашева Мохинурни Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигидаги тайёрланган буғдой сифатини оширишни иқтисодий самарадорликка таъсири** мавзусидаги битирув малакавий ишида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, жумладан фермер хўжаликларида буғдой етиштириш харажатларига таъсир этувчи омиллар бўйича илмий-амалий тавсияларини фермер хўжалиги томонидан келгуси фаолиятида қўлланилиши хақида маълум қилади.

Битирув малакавий иши натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш мумкин.

Андижон туманидаги «Нодир мришқор»

фермер хўжалиги раҳбари:

Н. Юлдашев.

ФХБЮ таълим йўналишининг битирувчиси Юлдашева Мохинурни Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигидаги тайёрланган буғдой сифатини оширишни иқтисодий самарадорликка таъсири. мавзусида тайёрланган битирув малакавий ишига рахбарининг

ФИКР ВА МУЛОХАЗАЛАРИ

Кишлоқ хўжалигини деҳқончилик тармогини буғдой етиштириш йўналиши фермер хўжаликларини асосий даромад манбаси ҳисобланади. Буғдой етиштириш республика озиқ-овқат ховфсизлигини таъминлашга маълум ҳисса кўшиб келмоқда. Ҳозирги кунда Республикада буғдой етиштириш сифатига фермер хўжаликлар таъмонидан етарлича эътибор берилгани йўқ. Ушбу ҳолатни яхшилаш учун Давлатимиз томонидан буғдой етиштириш сифатини яхшилаш ҳисобига тармокни барқарор ривожлантириш масалаларига эътиборни кучайтирилмоқда. Шу боисдан ҳам фермер хўжаликлар томонидан буғдой етиштиришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, таннархини камайтириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш зарур.

Кишлоқ хўжалигида буғдой етиштиришни кўпайтириш ва таннархини камайтиришни аҳамияти бекиёс каттадир. Буғдой етиштиришда юқори ҳосил берадиган навлардан фойдаланиш, ўз вақтида экиш, етарлича ўғитлаш, бегона ўтлардан тозалаш, касалликларга кимёвий ишлов бериш, маҳсулот маҳсулот миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, харажатларни тежаш имконини яратиб бериши мумкин. Фермер хўжалигида буғдой сифатини яхшилашга таъсир этувчи омилларга етарлича эътибор бериш зарур.

Битирув малакавий ишини тайёрлашда ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунлардан, Президентимиз асарларидан, мавзуга оид адабиётлардан ва **Андижон туманидаги “Нодир миришқор”** фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллардаги ҳисоботларидан, бизнес режаларидан ҳамда мавзуга тегишли бўлган маълумотлардан кенг фойдаланилган.

Битирув малакавий ишида **Андижон туманидаги “Нодир миришқор”** фермер хўжалигида маҳсулот миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш бўйича бир қатор фикр – мулоҳазалар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бир қисмини бевосита амалиётда фойдаланиш мумкин.

Битирувчи **Юлдашева Мохинур** битирув малакавий ишини берилган топширик асосида сифатли қилиб тайёрлади, битирув иши қўйилган талабларга жавоб беради, унда мавзуга оид булган иқтисодий кўрсаткичлари ўрганилиб чуқур таҳлил этилган.

Хулоса қилиб айтилганда **Юлдашева Мохинур** томонидан тайёрланган битирув малакавий иши уни тайёрлаш бўйича қўйилган талабларга жавоб беради, уни Яқуний Давлат Аттестацияси Комиссиясида химояга қўйиш мумкин.

**Битирув малакавий
ишининг рахбари, кат. ўқт:
28.05.2015 й.**

М.Усманов

Андижон қишлоқ хўжалик институти
Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедрасининг
№ 9-НТ сонли йиғилиши баёнидан
К Ў Ч И Р М А

4 июн 2015 й

Куйган – ёр шаҳарчаси

Қ А Т Н А Ш Д И Л А Р:

1.	О.Шерматов	кафедра мудир и.ф.н. доцент
2.	О.Зокиров	профессор
3.	А.Абдуллаев	и.ф.н. доцент
4.	О.Махмудов	и.ф.н. доцент
5.	Э.Қўлдашев	и.ф.н. доцент
6.	Б.Носиров	и.ф.н. катта ўқитувчи
7.	Х.Баратов	и.ф.н. катта ўқитувчи
8.	В.Абдурахмонов	и.ф.н. катта ўқитувчи
9.	Г.Абдуллаева	и.ф.н. катта ўқитувчи
10.	М.Усмонов	катта ўқитувчи
11.	Т.Иминов	катта ўқитувчи
12.	Б. Рахмонова	катта ўқитувчи
13.	Д. Исламова	катта ўқитувчи
14.	Т.Ёкубов	ассистент
15.	М.Қобулова	ассистент
16.	А.Эргашев	ассистент
17.	Д.Ахмадалиева	ассистент
18.	Р.Имомов	ассистент
19.	Н.Сафина	ассистент
20.	С.Назаров	ассистент
21.	А.Тўйчиев	ассистент
22.	А.Абдумўминов	ассистент
23.	Ж.Қурбонов	ассистент
24.	Битирувчи босқич талабалари	-нафар

КУН ТАРТИБИ

ФХБЮ таълим йўналишининг битирувчиси **Юлдашева Мохинур**нинг Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигидаги тайёрланган бугдой сифатини оширишни иқтисодий самарадорликка таъсири мавзусида тайёрлаган битирув малакавий ишининг муҳокамаси.

Эшитилди: Битирувчи **Юлдашева Мохинур** ўзининг битирув малакавий иши бўйича маъруза қилиб битирув малакавий ишининг мақсадига, вазифаларига, моҳиятига ҳамда ишлаб чиқилган хулоса ва таклифларга батафсил тўхталиб ўтди.

Сўнгра мавзу бўйича берилган барча саволларга битирувчи томонидан жавоб берилди.

Битирув малакавий ишнинг раҳбари кат. ўқт М. Усманов: - “Нодир миришқор” фермер хўжалигида экин майдонларини оптимал хажмини белгилашни иқтисодий самарадорликка таъсири бўйича ёзилган битирув малакавий ишини долзарблиги, моҳияти ва битирувчи томонидан бўйича иқтисодий кўрсаткичларини тайёрланган жадвалларда таҳлил этилиши масалаларига тўхталиб, ишнинг ижобий томонлари ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Сўзга чиқдилар: доцент Б.Носиров ва Т.Иминов битирув малакавий ишнинг химояси жараёнида битирувчи алоҳида аҳамият бериши керак бўлган масалаларга тўхталишиб ишни ЯДАК да химояга қўйилиши мумкинлигини таклиф қилишди.

Йиғилиш қарор қилади:

Битирувчи **Юлдашева Мохинур** томонидан тайёрланган битирув малакавий иши Якуний Давлат Аттестация Комиссиясида химояга қўйилсин.

Йиғилиш раиси, доцент:
Котиби

О.Шерматов
М Усманов.

ТАҚРИЗ

БМИнинг мавзуси: Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигидаги тайёрланган буғдой сифатини оширишни иқтисодий самарадорликка таъсири.

Битирув малакавий иши бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини ёритишда та жадваллардан ва та чизмадан фойдаланилган.

БМИнинг бажарилишини топшириққа мос келиши: *БМИ берилган топшириққа тўла мос келади*

БМИни бажаришда битирувчи томонидан мавзуга оид қонунлардан, меъёрий хужжатлардан ва қишлоқда ўтказилаётган таркибий қайта ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилиши даражаси: *мавзуга оид қонунлардан, меъёрий хужжатлардан фойдаланилган.*

БМИнинг тайёрланиш даражаси, яъни уни таркибни ва мохиятини мавзуга мос келиши, хўжалик маълумотлари ва кўрсаткичларини таҳлил этиш ва улардан фойдаланиш, хулоса ва таклифларнинг асосланганлиги ҳамда тушунтириш ёзувининг сифати: *БМИнинг тайёрланиши даражаси қўйилган талабларга жавоб беради. Уни тайёрлашда Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигини маълумотларидан кенг фойдаланган, хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари чуқур таҳлил қилиниб асосланган хулосалар тайёрланган.*

БМИда йўл қўйилган камчиликлар:

Фермер хўжалигида маҳсулот сифатини яхшилашдаги техник омилларга кенгроқ эътибор берилганда яхши бўлар эди.

Битирувчининг умумий касбий фанлар бўйича тайёргарлигини баҳолаш (мулоқот натижаси): *битирувчининг умум касбий фанлар бўйича тайёргарлиги коникарли.*

Битирув малакавий иши бўйича якуний хулоса: *БМИни Давлат Аттестация Комиссиясида ҳимояга қўйиш мумкин.*

Такриз берувчининг исми шарифи ва имзоси

А. Комилов.

Илмий унвони ва даражаси кат. ўқт.

Иш жойи ва лавозими Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси.

Такриз берилган сана «28»май 2015йил

ТАҚРИЗ

БМИнинг мавзуси: Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигидаги тайёрланган буғдой сифатини оширишни иқтисодий самарадорликка таъсири.

Битирув малакавий иши бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини ёритишда та жадваллардан ва та чизмадан фойдаланилган.

БМИнинг бажарилишини топшириққа мос келиши: *БМИ берилган топшириққа тўла мос келади*

БМИни бажаришда битирувчи томонидан мавзуга оид қонунлардан, меъёрий хужжатлардан ва қишлоқда ўтказилаётган таркибий қайта ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилиши даражаси: *мавзуга оид қонунлардан, меъёрий хужжатлардан фойдаланилган.*

БМИнинг тайёрланиш даражаси, яъни уни таркибни ва мохиятини мавзуга мос келиши, хўжалик маълумотлари ва кўрсаткичларини таҳлил этиш ва улардан фойдаланиш, хулоса ва таклифларнинг асосланганлиги ҳамда тушунтириш ёзувининг сифати: *БМИнинг тайёрланиши даражаси қўйилган талабларга жавоб беради. Уни тайёрлашда Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигини маълумотларидан кенг фойдаланган, хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари чуқур таҳлил қилиниб асосланган хулосалар тайёрланган.*

БМИда йўл қўйилган камчиликлар:

Фермер хўжалигида маҳсулот сифатини стандартлари ҳақида кенгроқ маълумот берилганда яхши бўлар эди.

Битирувчининг умумий касбий фанлар бўйича тайёргарлигини баҳолаш (мулоқот натижаси): *битирувчининг умум касбий фанлар бўйича тайёргарлиги коникарли.*

Битирув малакавий иши бўйича якуний хулоса: *БМИни Давлат Аттестация Комиссиясида ҳимояга қўйиш мумкин.*

Тақриз берувчининг исми шарифи ва имзоси

Н. Юлдашев.

Илмий унвони ва даражаси

Иш жойи ва лавозими *Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигини раҳбари.*

Тақриз берилган сана

«28»май 2015йил

АҚХИ Иқтисодиёт ва бошқарув факультети ФХБЮ таълим йўналиши 4-курс 1-гурухи талабаси Юлдашева Мохинурнинг Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалигидаги тайёрланган буғдой сифатини оширишни иқтисодий самарадорликка таъсири мавзусидаги битирув малакавий ишининг

АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш борасида ҳар тамонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани эвазига маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга, сифатини оширишга замин яратиб бермоқда. Мухтарам Президентимиз И.Каримов 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Иқтисодиётимизни 2015 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устивор йўналишлари аввало бу соҳанинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилган деб айтиб ўтди. Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали заманавий техника билан таъминланган, илгор технологияларни пухта эгаллаган хўжаликлардир. Маҳсулот сифатини яхшилаш натижасида даромад олишни кўпайтириш зарур. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулот миқдорини кўпайиш, сифатини яхшилаш, қайта ишлашни жорий этиш ва бозорни ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият кўрсатиш зарур.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади фермер хўжаликларни рақобатбардошлигини оширишда маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳсулот етиштириш ҳамда сотиш механизмининг такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ечиш кўзда тутилган ва амалга оширилган:

- маҳсулот етиштириш, сотишга тайёрлаш ҳолатини таҳлил этиш;
- фермер хўжаликларида экин майдонлардан фойдаланиш, етиштирилган маҳсулотни ҳисоб-китобларини амалга ошириш механизмининг ўрганиш;
- деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида буғдой экин майдонларидан самарали фойдаланиш ҳолатини таҳлил этиш;
- буғдой етиштириш билан шугуланиб келувчи фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш харажатларини Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма маблағлари эвазига тижорат банклари орқали молиялаштириш механизмининг афзалликлари ва камчиликларини тадқиқ этиш;
- буғдой етиштириш билан шугуланиб келувчи фермер хўжаликларни экин майдонлар тақсимотини такомиллаштириш имкониятлари бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг объекти Давлатимизни 2012-2014 йиллардаги ишлаб чиқариш, молиявий ва тижорат фаолият натижалари ҳисоботларидан фойдаланилган. Аниқроқ илмий-тадқиқот ишлари Андижон туманидаги “Нодир миришқор” фермер хўжалиги мисолида олиб борилган ва ушбу фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллар бўйича йиллик ҳисобот маълумотлари ҳамда режа кўрсаткичларидан фойдаланилган.

Битирув малакавий ишининг предметини аграр тармокнинг рақобатбардошлигини ошириш шароитида фермер хўжаликларида буғдой етиштириш сифатини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқиш ва сотиш муносабатларини ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар фермер хўжаликларни буғдой экин майдонларидан самарали фойдаланишни ошириш учун

резервларини излаб топиш орқали тармоқда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга имкон бериши мумкин. Хусусан, тадқиқот натижаларининг айрим жиҳатлари. “Нодир миришкор” фермер хўжалигида амалиётда қўллаш учун қабул қилинганлиги тўғрисида далолатнома олинган.

Битирув малакавий ишини таркибий жиҳатдан кириш, асосий қисмда 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, таркиби ўз аксини топган.

Асосий қисмининг биринчи бобида Иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификациялаштириш шароитида тайёрланаётган буғдой сифатини оширишни илмий-услубий асослари ёритилган.

Иккинчи бобда Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигида тайёрланган буғдой сифатини оширишни ҳозирги ҳолати ва тахлили этилган.

Учинчи бобда Андижон туманидаги “Нодир миришкор” фермер хўжалигидатайёрланган буғдой сифатини оширишга таъсир этувчи омиллар бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хулоса қисмида олиб борилган тадқиқот натижалари юзасидан таклиф ва тавсиялар ўз аксини топган.

**Битирув малакавий ишини
бажарувчи**

Илмий раҳбар

М Юлдашева

кат. ўқит. М.Усманов.